O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2010-yil 22-aprel № 49 (2774) payshanba

Баркамол авлод — мамлакат келажаги

# Алпомиш ва Барчинойлар баҳси




Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани ёш авлоднинг камол топишига замин яратмоқда. Бу хайрли ишда касаба уюшмалари ҳам фаол қатнашаяпти. Бугун «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ОАЖ спорт мажмуасида Баркамол авлод йилига бағишланган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчиларининг республика спартакиадаси очилади. Унда болалар минифутбол ҳамда «Алпомиш ва Барчиной» махсус тестлари бўйича ўзаро куч синашадилар. Мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар БЎСМ тарбияланувчиларидан иборат терма жамоалар иштирок этади.

# Ҳамкорликнинг янги имкониятлари

***Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг таклифига биноан 19-20 апрел кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.***

Ташрифнинг асосий воқеалари 20 апрел куни Кремлда Ислом Каримов ва Дмитрий Медведевнинг яккама-якка учрашувидан бошланди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Россия муносабатларини янада ривожлантириш, халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини юмшатиш ва оқибатларини бартараф этиш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия, Россия ташқи сиёсатида Ўзбекистон билан муносабатлар алоҳида ўрин тутади. Мамлакатларимиз ўртасида 2004 йилда Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йилда Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланган. Бугунги ҳамкорлик ана шу ҳужжатлар асосида ривожланмоқда. Бунинг тасдиғи сифатида олий даражадаги мулоқотлар мунтазам тус олганини таъкидлаш жоиз.

Турли мақомдаги делегацияларнинг ўзаро ташрифлари ҳам фаол давом этмоқда. Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон-Россия ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Ташқи сиёсат, ташқи савдо, мудофаа маҳкамалари ўртасидаги мулоқот ва маслаҳатлашувлар изчил давом этмоқда.

Ўзбекистон ва Россия БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда. Бу алоқалар минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, интеграция жараёнларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Мамлакатларимиз Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ишларига ёрдам кўрсатиш борасида ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Россия Ўзбекистоннинг ишончли сиёсий, иқтисодий ва сармоявий шеригидир. Ўзбекистон ташқи савдосининг бешдан бир қисми Россия ҳиссасига тўғри келади. Гуманитар ҳамкорлик борасида ҳам алоқалар кўлами кенг эканини таъкидлаш жоиз. Бу йўналишдаги ҳамкорлик таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик каби кўплаб соҳаларни қамраб олган.

Умуман айтганда, давлат раҳбарларининг ўзаро муносабатларни ривожлантиришга доир масалалар, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан нуқтаи назар ва қарашлари ўхшаш ва яқинлиги, халқларимизнинг дўстлиги ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзаро муносабатлар турли даражаларда имзоланган 276 ҳужжатга асосланади.

Суҳбат чоғида Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан оқилона фойдаланиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Минтақанинг трансчегаравий дарёларида гидротехника иншоотлари қуришда қўшни мамлакатлар билан маслаҳатлашиш, бундай лойиҳаларни мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев мулоқотни Ўзбекистон ва Россия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар.

Дунёда молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сураётганига қарамай, 2009 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 4,5 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистоннинг Россияга экспорти табиий газ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, транспорт ва коммуникация хизматлари, транспорт воситалари, тўқимачилик буюмларидан иборат. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар Россияда энг харидоргир транспорт воситаларидан эканини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Бу ўзаро савдода юқори қўшимча қийматга эга, рақобатбардош саноат маҳсулотларининг улуши ортаётганига ёрқин мисолдир. Россиядан Ўзбекистонга рангли ва қора металлар, механик ва электр ускуналар, ёғоч ва ундан ишланган буюмлар каби маҳсулотлар келтирилади.

Сармоявий ҳамкорлик ривожи қўшма корхоналар сонининг ошганида яққол кўзга ташланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 843 та Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси фаолият юритмоқда. Россиянинг 135 та фирма ва компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган. Россияда эса ўзбекистонлик шериклар иштирокида тузилган 385 та қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Президентлар ушбу кўрсаткичлар икки томоннинг ҳам имкониятларини тўла акс эттирмаслигини таъкидладилар. Ўзбекистон ва Россия савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш учун улкан салоҳиятга эга. Саноатнинг қатор тармоқларида, қайта ишлаш саноатида, бошқа кўпгина соҳаларда икки мамлакатнинг фирма ва компаниялари ҳамкорлиги учун кенг фаолият майдони мавжуд.

Музокарада маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан ва техника соҳаларида ҳамкорлик муваффақият билан ривожланмоқда.

Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида 2009 йилнинг октябр ойида «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Россия Сайёҳлик корпорацияси ўртасида агентлик битими имзоланган. У Россияда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини кенг ишга солиш ва сайёҳлар оқимини оширишни назарда тутади.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон ва Россия Президентларининг қўшма баёноти қабул қилинди.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Ҳарбий-техника соҳасидаги ҳамкорлик бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган тадбирлар режасини амалга оширишга кўмаклашиш масалаларига оид ўзаро англашув меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан Россия Федерацияси Федерал божхона хизмати ўртасида Олдиндан хабардор этиш бўйича эксперимент ўтказиш тўғрисидаги протокол, Маданий-гуманитар соҳада 2010-2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар очиқ, дўстона руҳда ўтганини, эришилган келишувлар ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

— Ушбу ташриф ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг янги устувор йўналишларини белгилаш, ишга солинмаётган имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш масалаларини муҳокама қилиш учун қулай имкониятдир, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон Россия билан муносабатларни юксак қадрлайди. Бу муносабатлар икки мамлакат манфаатларига, айни пайтда бутун Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат килади.

— Бўлиб ўтган музокаралар ўзаро шериклик алоқаларини ҳар томонлама кенгайтиришга Россияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам қизиқиш катта эканини намойиш қилди, — деди Дмитрий Медведев. — Биз иқтисодий масалалар ҳақида фикр алмашдик. Энергетика, авиасозлик, машинасозлик, телекоммуникация ва кўплаб бошқа соҳалардаги кенг кўламли ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олдик. Ушбу ташриф ҳамкорликнинг асосий йўналишларини янада мустаҳкамлаб, янги имкониятларни очишига ишонаман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Владимир Путин билан учрашди. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига расмий ташрифи ниҳоясига етди. Ушбу ташриф ўзаро муносабатларни ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканини яна бир карра тасдиқлади ва ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаришнинг янги имкониятларини очиб берди, дейиш учун барча асослар бор.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири,**
**Тошкент – Москва – Тошкент**

## «Ishonch»га жавоб берадилар

***Таҳририятга Қўшработ туманидаги 45-умумтаълим мактаби ўқитувчиси А.Мирзаев ариза билан мурожаат қилган эди. Ўрганиш натижалари бўйича Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши раиси С.Исаев қуйидагиларни маълум қилади:***

# Муаммо ҳал этилди

*А.Мирзаевнинг аризаси вилоят кенгаши ҳуқуқшуноси томонидан ўрганиб чиқилди. Аризани ўрганиш жараёнида ариза муаллифи А.Мирзаев, 45-мактаб директори Р.Бобоқулов, ҳисобчи В.Исаевлар билан суҳбат ўтказилди ва уларга тегишли тавсия ва маслаҳатлар берилди.*

*Аниқланишича, А.Мирзаевга аввалги йиллар учун меҳнат таътили пуллари мактабнинг собиқ ҳисобчиси томонидан нотўғри ҳисоблаб чиқарилган. Лекин 2009 йил 1 апрелдан бошлаб мактабга В.Исаев ҳисобчи этиб тайинланган. Натижада 2009 йилги таътил пуллари тўғри, яъни Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори талаблари асосида тўланган. Бу масалада ариза муаллифига тегишли тушунча берилди.*

*А.Мирзаевнинг аризасида асосан 3 та масала, яъни меҳнат таътили пулларининг нотўғри ҳисоблаб чиқарилаётганлиги, мактаб жамоаси томонидан йиғиб топширилган металлом учун тўланиши лозим бўлган пулларнинг ўз вақтида берилмаётганлиги ва пластик карточка орқали олинаётган маҳсулотларнинг сифати пастлиги ва нархи юқорилиги ҳақида гап юритилади.*

*Аризани текшириш жараёнида меҳнат таътили пулларини ҳисоблаш юзасидан Қўшработ туман молия бўлими ва туман ғазначилик бўлими раҳбарлари билан учрашиб, уларга ушбу масала юзасидан тегишли тушунчалар ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон «Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби» тўғрисидаги қароридан нусха берилди.*

*Металлом учун пул тўлаш масаласида Қўшработ туман ҳокимининг биринчи муовини Ш.Қаҳҳоров билан суҳбатлашилди. Суҳбат давомида ҳоким муовини ушбу муаммони ҳал этишни ўз зиммасига олди.*

*Пластик карточкалар савдоси масаласида Қўшработ туман истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти раиси Р.Эргашев билан суҳбат ўтказилди. Ушбу суҳбатда А.Мирзаев ҳам иштирок этди. Жамият раиси юзага келган вазиятни ижобий ҳал этишни ўз зиммасига олди.*

*Аризани текшириш якунлари бўйича А.Мирзаев, мактаб директори Р.Болиқулов, ҳисобчи В.Исаевлардан тушунтириш хатлари олинди. Ариза муаллифи А.Мирзаевга тегишли тарзда жавоб хати юборилди.*

## Ўқув-семинар

# Ҳамжиҳатликда гап кўп

***Яқинда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгашида Юртбошимизнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги ҳамда парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузаларини ўрганиш юзасидан ўқув-семинар бўлиб ўтди.***

— Юқоридаги маърузалардан келиб чиқиб биз беш йиллик ҳаракат дастурини туздик, — деди Сенатнинг фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Ҳамротош Шодиева. — Ундаги тадбирларни амалга оширишда касаба уюшмалари катта куч ҳисобланади. Чунки ходим ҳуқуқи поймол қилинганлиги ҳақида биринчи навбатда касаба уюшмасига мурожаат қилади. Шунинг учун ҳамкорликда ишлаш Сенатга ҳам, касаба уюшмасига ҳам фойдалидир. 2010 йили мамлакатимизда 950 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда. Бу масала ҳам касаба уюшмаларининг назоратида бўлиши керак.

Семинар сўнгида резолюция қабул қилинди.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**_Етакчининг меҳнати самараси нима билан ўлчанади? Қанча тадбир ўтказгани биланми ё қанча одамнинг қалбига йўл топа олгани биланми? Энг муҳими, ишонч билдирилган етакчи ҳар қандай шароитда меҳнаткашлар билан елкама-елка тура олиши керак. Ўтган йиллар давомида фидойилиги билан кўпчиликнинг эҳтиромига сазовор бўлган Шоира опанинг елкасига яна ўша масъулият юкланди. Пойтахтимизнинг Сирғали тумани Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси вакили сифатида ишлаб келаётган Шоира Шамшиевани 228 та бошланғич ташкилотга бирлашган 3493 нафар ишчи-хизматчи опаси ёхуд синглиси каби яқин олади. Ўтган ҳафтада бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида бу фикрлар яна бир бор тилга олинди._**



# Муваффақият ортида

Ҳисобот даврида 34 та корхонада меҳнат қонунчилиги талабларининг бажарилиши ўрганилди. Тумандаги кўпгина ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти ўртасида тенгҳуқуқлиликка асосланган ижтимоий шерикчилик муносабатлари шакллантирилди. Жамоа шартномаларига кўра, кўпгина корхоналарда ходимларга бепул тиббий хизмат кўрсатиш, қўшимча таътил пули, моддий ёрдам бериш ва ишчилар шароитини яхшилаш кўзда тутилган. «Баракат-Алфа», «Рамел текстил» қўшма корхоналари, «Нигора-Ойбек» хусусий корхонаси ва «Сергели минг бир моллар» МЧЖ шулар жумласидандир.

Беш йил давомида тармоқ касаба уюшма аъзоларига сиҳатгоҳ, дам олиш уйи ва пансионатларга 28 млн. 500 минг сўмлик 170 та имтиёзли йўлланма ажратилди. Уларнинг 45 таси оилавий йўлланма эканлиги диққатга сазовор. Яқинда эса уюшма аъзоларининг 130 нафари Самарқанд шаҳрига бепул саёҳат қилди. Ишчиларнинг болалари ўртасида варрак сайли ўтказилди.

— Ота-она учун фарзандининг қувончидан аъло совға йўқ, — дейди Шоира Шамшиева. — Шу боис келажагимиз ворисларига алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Ютуқларга эришдик, бунинг замирида ҳамфикрлик, ҳамкорлик ётибди. Муаммоларга ҳам дуч келиб, ҳал этишга эришаяпмиз. Ҳозир ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 120 минг сўмни ташкил этаяпти. Афсуски, айрим корхоналарда бу кўрсаткич анча паст, яъни 50-55 минг сўм. Бу иш ҳақига ишчиларимиз бир ой мобайнида болаларини боқа оладими? Бу ҳақда айрим корхона раҳбарлари ўйламаётганлиги жуда аянчлидир. Айрим қурилиш, саноат, хизмат кўрсатиш, маиший ва умумий овқатланиш корхоналарининг раҳбарлари ҳисоботида 3-4 ишчини кўрсатиб, аслида ҳужжатсиз, ҳеч қандай ижтимоий муҳофаза қилинмаган ёлланма ишчиларни ишлатишади. Уларнинг фаолиятига қонуний тус бериб, муаммоларини ҳал этиш зарур. Зеро, туманда уларга ўрнак бўлгулик корхоналаримиз талайгина.

Опа ҳақ. «Баракат-Алфа» қўшма корхонасида жамоа шартномасига мувофиқ ишчиларга махсус кийим, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари бепул бериб келинмоқда. Уч поғонали жамоат назорати ўрнатилган. Яқинда корхона шаҳар тармоқ касаба уюшмасининг хавфсизлик техникаси бўйича танловида биринчи ўринни эгаллади. Энг муҳими биринчилик эмас, бу каби ютуқларнинг ниҳоя билмаслигидир. Зеро, ҳар бир ютуқ замирида инсон манфаатлари ётибди.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

**_Бойсундаги 12-Меҳрибонлик уйи ҳақида кўп ва хўп ёзилган. Сабаби бу ерда хайр-саховатга йўғрилган кўплаб тадбирлар ўтказилади. Таълим ва фан ходимлари туман бирлашган касаба уюшма қўмитасининг IV ҳисобот-сайлов конференцияси ҳам айнан шу масканда ташкил этилди. Анжуман аввалида иштирокчилар тарбияланувчилар учун яратилган шарт-шароит билан танишди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Вероника Володинанинг «Зулфия» номидаги давлат мукофотига сазовор бўлганлиги фахр билан эътироф этилди. Меҳрибонлик уйида ташкил этилган «Оила» болалар фолклор дастасининг бадиий чиқишлари эса иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади._**

# Эзгуликка йўғрилган ишлар

Шундан сўнг Таълим ва фан ходимлари Бойсун туман бирлашган касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Ҳисобот маърузасида қўмитанинг таълим муассасалари меҳнат жамоасидаги ўрни ва нуфузи ошаётганлиги, уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишдаги фаолияти кучайганлиги қайд этилди. Шунингдек, маърузада Президентимизнинг «Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тармоқ ходимларининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, жамоа шартномаларининг бажарилиши, маданий-маърифий ҳамда спорт соғломлаштириш соҳасида қилинган ишлар, касаба уюшма ташкилоти олдида турган навбатдаги вазифалар ўз аксини топди. Жумладан, биргина 2007 йилда бошланғич ва цех касаба уюшма ташкилотларининг тавсиясига асосан 54 та таълим муассасасида ишловчи кам таъминланган педагог ходимлар оиласига 54 бош соғин сигир ҳадя этилди.

Шунингдек, ўтган йили 450 нафар халқ таълими ходимларининг фарзандлари ҳамда 140 нафар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари оромгоҳларда соғломлаштирилди.

Ўтган даврда эса 150 дан ошиқ халқ таълими ходими нуфузли сиҳатгоҳларда дам олиб, саломатлигини тиклади. Айтиш жоизки, ходимларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳам қўмита томонидан бирмунча ишлар бажарилган. Хусусан, йил якунлари бўйича жамоа шартномалари ва келишувининг бажарилиши якунлари бўйича таҳлиллардан сўнг бирлашган касаба уюшма қўмитаси ва унинг ҳудудий ташкилотлари томонидан 60 дан ортиқ талабнома, тақдимнома ва билдиришномалар таълим муассасаларига, коммунал хизмат ташкилотларига тақдим этилган. Шунингдек, жамоа келишуви ва шартномаларига риоя қилинмасдан таълим ходимларининг ҳуқуқий манфаатларига зарар етказилгани муносабати билан туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси 2007 йил охири ва 2008 йилнинг 1-чорагида Шеробод туманлараро фуқаролик судига бир гуруҳ таълим ходимларининг манфаатларини ҳимоя қилиб мурожаат этган ва 22.098.440 сўмлик товон пули ва иш ҳақини ундириш бўйича иш қўзғатган. Ҳар иккала даъво иши юзасидан судда туман таълим ва фан ходимларининг қонуний вакили сифатида иштирок этиб, суднинг ҳал қилувчи қарори чиқарилишига эришилган.

2004-2005 йиллар давомида иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш юзасидан масъул идораларга 50 дан ортиқ оғзаки ва ёзма шикоят, талабнома ва тақдимнома тақдим этилган ва ўзига хос мониторинг юритилган.

Маъруза юзасидан сўзга чиққанлар уюшма фаолиятини ижобий баҳолаб, камчиликларни бартараф этиш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Эзгу ишлар етакчиси Ф. Ҳамдамов туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси сифатида яна фаолиятини давом эттирадиган бўлди.

**Насиба ТИЛЛАХЎЖАЕВА,**
**ЎзКУФК ҳуқуқий бўлим**
**бош ҳуқуқшуноси**

**_Бугунги кун ёшлари дунё билан ҳамнафас, етук, билимдон. Бунда ўқитувчиларнинг ўрни беқиёс. Миробод туман бирлашган касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси қайсидир маънода ана шу ютуқлар эътирофига айланиб кетди._**

# Фикр бор, таклиф ва истак ҳам

— Ёшларимизнинг ҳар жиҳатдан комил инсон бўлиб етишишлари бизнинг жонкуярлигимизга боғлиқ. Уларга таълим-тарбия бериш билан бирга, ватан, халқ, ота-она олдидаги бурч ва масъулият, миллий қадриятларни сингдириш масалаларига жиддий аҳамият беришимиз лозим, — деди туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Назира Насреддинова.

Дарҳақиқат, таълим ходимларига юклатилган масъулият улардан янада кўпроқ изланиш, ўрганишни талаб этади. Касаба уюшма ташкилоти вакиллари эса уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб бораверади. Қўмита тасарруфига айни пайтда 2556 нафар аъзо бирлашган бўлиб, уларнинг 1841 нафарини аёллар ва 800 нафарга яқинини ёшлар ташкил этади. Ишда кўрсатган фидойилиги, жонкуярлиги боис 13 нафар таълим ходими давлат мукофотларига сазовор бўлди.

Ҳисобот даврида ижтимоий-иқтисодий ҳимоя, соғломлаштириш, меҳнат муҳофазаси борасида олиб борилган ишлар кенг таҳлил қилинди. Ташкилот фаолиятида эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ҳам айтиб ўтилди.

Кўпчилик овоз билан қўмита фаолияти қониқарли деб топилди.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# Алоҳида эътибор

**_Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ангрен шаҳар бирлашган қўмитаси 5430 нафар аъзони ўз сафига бирлаштирган бўлиб, уларнинг 4517 нафари аёллардир._**

— Ходимларни ҳуқуқий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, дам олдириш, фахрий ходимлар ва аёлларга қўшимча имтиёзлар яратиб бериш борасида қатор ишларни амалга оширдик, — деди касаба уюшма шаҳар бирлашган қўмитаси раиси Равшаной Ғозиева. — Аммо тан олиш керакки, барча таълим муассасаларида меҳнат муҳофазаси бирдек яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди. Кейинги фаолиятимизда бу каби камчиликларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Тадбирда тармоқ касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши раиси Шуҳрат Деҳқонов, ЎзКУФК Меҳнат муҳофазаси бўлими мудири Маҳмуд Исаев, шаҳар халқ таълими бўлими мудири Эсонали Қорабоев, ҳоким ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Наргиза Назаровалар ҳам фаолият юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Конференцияда ташкилий масалалар кўрилиб, Равшаной Ғозиева янги муддатга бир овоздан касаба уюшма ташкилоти раиси этиб сайланди.

**Ўз мухбиримиз**

# Рағбатга не етсин

**_«Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолисини узлуксиз равишда газ билан таъминлаб келмоқда._**

Сўнгги уч йилда жамоа шартномаси орқали ҳар бир ходим учун сарфланган маблағ қарийб уч бараварга ошиб, бир йилда 2 миллион 408 минг сўмни ташкил этди. 2007 йилдан 2010 йилгача бўлган ҳисобот даврида ишчи хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида сабзавот маҳсулотлари олиш учун 759 млн. сўмдан ошиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, жамоа шартномасида белгиланган йўл пули, тушлик, мактаб ёшидаги фарзандларига ўқув қуролларини олиб бериш, яқин кишилари вафот этганда, янги оила қураётганда, меҳнат таътилига чиққанда соғлигини тиклаш ва бошқа имтиёзларга оғишмай амал қилишмоқда.

Ўтган йили 63 нафар ходим соғломлаштирилди. Уларнинг фарзандлари Қашқадарё вилоятидаги «Улуғбек», «Бинокор», «Соҳибқирон», «Охунбобоев», Сурхондарёдаги «Вахшивор», «Шеробод-Сурхон» болалар оромгоҳларида дам олдирилди.

Касаба уюшма қўмитаси иш берувчи билан ҳамкорликда бандликни таъминлаш юзасидан ҳам қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида 29 нафар ходим бошқа касбга ўқитилиб, иш билан таъминланди ҳамда штатлар қисқартирилишига қарамасдан, меҳнат шартномалари бекор қилинишининг олди олинди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида Рустам Муродовга яна ишонч билдирилиб, у касабақўм раиси этиб сайланди.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

# Ҳаётдан мамнунлик боиси



Яхши имконият, қулай шароит кишини юксак зафарлар сари етаклайди. Касаба уюшма қўмитасининг эътибори туфайли «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишчи-ходимлар учун ишлаш ва ҳордиқ чиқариш тубдан ижобий томонга ўзгарди.

— Мана ўн йилдирки, фаолиятимнинг кўп қисми касаба уюшмаси билан боғлиқ, — дейди 104-цех касабақўми Камол Расулов. – Жамоамизда икки мингдан ортиқ меҳнаткаш ишлайди. Бу ерда доим ҳаёт қайнайди. Асосий юмуш «Нитрон» толаси ишлаб чиқариш бўлиб, унинг сифати алоҳида синчковликни тақозо этади. Бор куч ва ғайратини ишлаб чиқаришга сарф этиб келаётган кимёгарларимизнинг соғлиги ҳақида қайғуриш эса касаба уюшмасининг доимий диққат марказида.

Корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Т.Рўзимуродов тасарруфидаги ташкилотлар ишини жонлантириш, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилишда барчага бошқош. Жонкуяр раис ишчи-ходимларнинг нафақат саломатлигига балки уларнинг оила аъзоларига ҳам ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Тўлқин Сиддиқович учун иккинчи даражали ишнинг ўзи йўқ. Иш шароитлари билан яқиндан танишиб, кийиниш, овқатланиш, ювиниш, дам олиш хоналари, хуллас, зарур бўлган шарт-шароитларни кўздан кечиришдан сира эринмайди. Ҳаттоки кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам унинг эътиборидан четда эмас. Шунингдек, цехдаги аҳволни назорат этади. Тўлқин ака ходимларга ғамхўрлиги, одамийлиги билан кимёгарларнинг ҳурмат-эътиборини қозониб келмоқда. «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам» деганларидек, сиҳатгоҳларга бориш, мароқли ҳордиқ чиқариш тобора яхши йўлга қўйилаяпти. Бир қанча ходим ўтган йили «Турон», «Ботаника», «Чинобод», «Бўстон», «Умид гулшани» сиҳатгоҳларида бўлиб, юқори кайфият билан дам олиб қайтди. Бу, албатта, дам олиш вақтидан самарали фойдаланиш натижасидир.

— Мустақиллик бизга улкан имкониятлар эшигини очиб берди, — дейди 13-цех касаба уюшмаси раиси П.Раҳимов. — Бу, айниқса, касаба уюшмаси фаолиятида яққол кўзга ташланади.

Етакчи халқ орасида бўлса, унинг дардини, кўнглини билишга интилса, инсонларнинг ишончи ортади. Талаб-истакларини очиқ-ойдин айта олади. Доимий эътибор натижасида таомлар сифати яхшиланмоқда, сутли маҳсулотларнинг сони ортаяпти. «Спорт — соғлик гарови» дея айтилган ибора амалда бажарилиши яхши йўлга қўйилган. Нафақат эркаклар, балки аёллар ҳам турли хил тўгаракларга мунтазам қатнашмоқда.

— Саломатлик инсоннинг энг бебаҳо бойлигидир, — дейди 3-цех касаба уюшма раиси Ҳ.Ҳусанова. – Ҳар бир инсоннинг камолоти, етуклик даражаси унинг умри давомида шаклланган қатор инсоний фазилатларида мужассам топади. Кишининг очиқюз, табассум ила юриши, ишга меҳр билан ёндашиши саломатлигидандир. Ходимларга кўмак беришда Т.Рўзимуродовнинг ёрдамларига таянамиз. Раисимиз талабчан раҳбар, жонкуяр, элсевар инсон.

Кишининг одамийлиги фаолиятида яққол намоён бўлади. Халққа яқин бўлиш, уларнинг ўй-фикрларини тинглаш, ёрдам беришни одамлар кўнглидан жой олишнинг ягона йўли деб билган шахсгина ҳурмат-эҳтиромга эришади. Кимёгарлар билан яқин муносабатда бўлиб келаётган Тўлқин Сиддиқович ана шундай гўзал инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган. Буни юқоридаги миннатдорчилигу илиқ сўзлардан англаш мумкин.

— Кўп йиллардан буён шу цехда фаолият юритаман, — дейди 201-цех касаба уюшмаси раиси Р.Маҳмудова. – Албатта, касаба уюшма раиси зиммасида юксак масъулият туради. Ҳар бир ходимга алоҳида эътибор қаратамиз. Барча имкониятлар яратилган профилакторийда дам олиб қайтаётган ҳамкасбларимиз завқ-шавқ билан меҳнат қилишмоқда.

Ишчи кучи кўпчилик аёллардан ташкил топган 6-цехда ўзига хос юқори кайфият ҳукмрон.

— Ходимларимизнинг намунали ишлаши учун зарур шарт-шароитларни яхшилашга ҳаракат қиламиз, — дейди цех касаба уюшмаси раиси Г.Сафарова. — Ахир қулай ва муаммосиз ишлаш ижобий самара беради. Шу боис ҳам ҳар бир нарсага эътибор қаратилади. Раисимиз нафақат ишларимизни назорат қилади, кези келса, кўмагини аямайди. Дам олиш вақтларини мазмунли ўтказиши учун барча имкониятлар яратиб берилаяпти. Бу, ўз навбатида, ишчи-ходимлар қалбида мамнуният ҳисларини уйғотмоқда.

Юксак фазилатларга эга раҳбар ўз эли, халқи деб ёниб, куйиб яшайди. Кишилар дуосини олиб, ҳаётдан мамнун умр кечиради. Корхона касаба уюшмаси раиси Тўлқин акага ана шундай бахт насиб этган, десак хато қилмаган бўламиз.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

---

***«Жарқўрғоннефт» очиқ акциядорлик жамияти тасарруфидаги «Какайди», «Миршоди», «Лалмикор» каби 9 та нефт конида меҳнат қилаётган 742 нафар ишчи-хизматчи Эшмўмин Турсуналиевни касаба уюшма етакчилигига сайлаб хато қилишмаганига унинг ҳисоботини тинглаб яна бир карра ишонч ҳосил қилишди.***

# Беғараз ёрдам — кўнгилга малҳам

Эшмўмин ёш бўлишига қарамай, ҳар бир касаба уюшмаси аъзоси қалбига йўл топди. Бирини «ака», бирини «ука» деди, яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам ёнида турди. Саломатлиги, оиласи, ҳатто фарзандларининг дам олиши-ю ўқиши ҳақида ғамхўрлик қилди. Баҳорда табиат қўйнида, ёзда тарихий шаҳарлар бўйлаб саёҳат уюштирди. Ҳақ-ҳуқуқи бузилган ходимни ёқлаш учун иш берувчи билан музокара олиб борди.

Унинг суҳбатидан баҳраманд бўлган ходим борки, қалби ишонч туйғуларига тўлади, дили равшан тортиб, эртанги кунга ишончи ортади. Кўмак сўраб қабулига келганларнинг муаммоларига ечим топмагунча тинчимайди. Очиғи, унинг иш вақти чегараланмаган. Хоҳ идорада бўлсин, хоҳ конда ишчиларга меҳр кўрсатиб, муаммоларни ўз ўрнида ҳал қилиб кетаверади.

**Етакчи ташаббуси**

Етакчи ташаббуси ҳамиша эзгуликка қанот. Касабақўм саъй-ҳаракати билан маъмурият биносида Сурхон воҳасида нефт қазиб чиқаришнинг тарихий йўли акс этган музей ташкил этилди. Унда Бухоро амирлиги, Шеробод — Бойсун беклигида жойлашган конларнинг харитаси ҳамда геологияга оид 18-19-асрда нашр этилган китоблар ҳам сақланмоқда.

Яна етакчининг ташаббуси билан Жарқўрғон туманидаги Янгиобод маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 3,5 гектар қаровсиз майдон ободонлаштирилиб, «Ёшлар хиёбони» ташкил этилди. Унда спорт майдончалари, фавворалар ҳамда ёзги-қишки дам олиш хоналари, «КАФЕ-БАР» қурилди. Хиёбон марказида «Ёш ниҳол» деб номланган рамзий белги ўрнатилди. Гулзорлар, йўлаклар барпо этилиб, обод ва кўркам масканга айлантирилди. Мустақил ҳаётга қадам қўяётган келин-куёвларнинг никоҳ маросимидан сўнг боғда сайр этиши анъанага айланиб қолди.

Савоб ишларнинг адоғи йўқ. 1-гуруҳ ногирони, корхонанинг собиқ ходими Ж.Аширматовга Қумқўрғон туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан ногиронлик аравачаси ҳам касабақўм ташаббуси билан олиб берилди.

Касабақўм бош-қош бўлиб жамиятда ишлаётган ҳар бир ишчи-ходимнинг юбилей ёшлари корхона ҳисобидан тантанали нишонланади. Жумладан, нефт қазиб олиш оператори Йўлдош Маматқулов, электргаз пайвандчиси Жумабек Умарбеков, таъмирловчи чилангар Бахтиёр Жадгаров, 1-автожамланма ҳайдовчиси Темур Қулмирзаевларнинг 50 ёши, 2-автожамланма ҳайдовчиси Равил Абайдуллиннинг 60 ёши нишонланиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

Ҳар байрамда уюштириладиган спорт мусобақаларида ҳам касабақўм етакчиси асосий ташкилотчи ҳисобланади. Ғолиблар уюшманинг эсдалик совғаси билан тақдирланади.

**Эътироф**

— Ҳар бир одам алоҳида бир олам. Уларнинг кўнглига йўл топиш эзгуликка йўл очганнинг савобини беради, — дейди касабақўм етакчиси Эшмўмин Турсуналиев. — Демоқчиманки, касаба уюшма етакчиси жамоанинг виждони бўлиши керак. У ҳамиша ҳақ сўзни бaралла айтиши шарт. Шундагина етакчи ўз аъзолари олдидаги бурчини бажарган бўлади.

Акциядорлик жамияти ҳамда касаба уюшмаси ҳамкорликда имзолаган жамоа шартномасида ишчи-ходимлар меҳнатига яраша рағбатланиши бош масала қилиб қўйилган. Шу боис корхонада ўртача иш ҳақи 450-500 минг сўмни ташкил этмоқда. Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши касабақўм эътиборида. Байрамларда мукофот пули, илғор ишчиларга қимматбаҳо совғалар улашилади. 33 нафар хотин-қизнинг иш вақти ҳафтасига бир соатга қисқартирилди. Уларнинг ҳар бирига 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тўрт минимал иш ҳақи миқдорида мукофот пули тўлаш анъанага айланган.

— Янгиликка ўч, ташаббускор касабақўм ўзи ҳам тинмайди, ўзгаларни ҳам яхши ишларда ортидан эргаштира олади. Иш берувчи сифатда мени ҳам ҳолжонимга қўймайди: ҳали нуронийларга кўмак сўраб кирса, сал ўтмай ёш авлод саломатлиги учун бирор тадбир ўйлаб топади. Энг муҳими, унинг саъй-ҳаракатидан корхонамиз ходимлари ва уларнинг оиласи, қолаверса, эл-юрт наф кўради, — дейди «Жарқўрғоннефт» очиқ акциядорлик жамияти раиси Мусурмон Тоиров. — Байрамлар олдидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ёрдамга муҳтож оилалар руйхатини тузиб, уларга моддий ёрдам уюштиришимиз зарурлигини таъкидлайди. Етакчимизнинг шарофати билан меҳнат фахрийларимиз О.Багданова, М.Худоёров, В.Свястянова, З.Раҳмонов, С.Бердинов, Е.Ведящева кабилар ҳамиша рағбатлантириб борилади. Шунингдек, сафимизда ишлаётган меҳр-мурувватга муҳтож, боқувчисини йўқотган ишчи-ходимдан 11 нафарига ҳам беғараз ёрдамимизни аямаяпмиз.

**Тўйболанинг «тоғаси»**

Ҳар йили корхонада кам таъминланган ишчи фарзандларининг суннат тўйи ўтказилади. Тўй бошида, тўйболаларнинг «тоғаси» — касабақўм Эшмўмин турадди. Бу йилги Наврўз байрами тантаналарига 16 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйи уланиб кетди. Тўйболалар номига «Халқ банки» да омонат дафтарчаси очилиб, ҳар бирига 100 минг сўмдан пул ўтказилди.

Нефт қазиб олиш осон эмас. Табиийки, қулай иш шароити меҳнат унумдорлигини ошириб, ходимлар саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ишчиларни меҳнат муҳофазаси талаблари билан таништириш мақсадида ҳар 6 ойда ўқув ташкил этилади. Ҳар бир ишчи, иш қуролига эга бўлиш билан бирга махсус кийим-бош (коржома, этик-пойабзал, қўлқоп) билан таъминланади. Уларга сут маҳсулотлари берилади. Конларда уч маҳал бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Ишчилар учун махсус замонавий жиҳозланган ётоқхона бўлиб, телевизор билан таъминланган. Кундалик матбуот нашрлари ўз вақтида етказилади. Ишчилар бепул тиббий кўрикдан ўтказилади.

Ишчилар ҳаёти суғурталанган бўлиб, қувонарли томони 1993 йилдан буён корхонада биронта ҳам бахтсиз ҳодиса рўй бермаганлигидир.

**Яхши дам — меҳнатга ҳамдам**

Корхонада тез-тез Ўзбекистон Қаҳрамонлари, элимиз ардоғидаги фидойи инсонлар, ёзувчи-шоирлар, олимлар билан учрашувлар ўтказилади. Илғор ишчилар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз каби тарихий шаҳарларга саёҳатга олиб чиқилади.

Акциядорлик жамиятида ҳар йили 100 нафардан зиёд ишчи-ходим касаба уюшмаси ёрдами билан «Чинобод», «Ситораи Моҳи Хоса», «Турон» ҳамда «Жайронхона», «Хазарбоғ» сиҳатгоҳларида соғликларини тиклашади. 100 нафарга яқин жажжи болакай ёзги дам олиш мавсумида «Вахшивор», «Сурхон» каби тоғ ён бағридаги оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқаришади.

Бир сўз бидан айтганда, «Инсонга наф келтириш — олий бахт» шиори касабақўм Эшмўмин Турсуналиевни ҳар доим эзгуликка чорлайди. У элга янада кўпроқ наф келтиришни қалб амри деб билади. Юракдан отилиб чиққан чашма эса нафақат одамлар эҳтиёжини қондиради, ғайрат-шижоатга ҳам даъват этади.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Ҳар бир мамлакат иқтисодиётида пул маблағлари айланмаси нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблардан иборат бўлиб, пул айланмасининг умумий таркибида уларнинг улуши турли даражададир. Айнан нақд пул айланмаси умумий айланманинг 10-20 фоизини ташкил этади. Бу нисбат мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражасини кўрсатади, яъни нақд пул айланмасининг умумий пул айланмасидаги улуши қанча кам бўлса, иқтисодиёт шунча ривожланган бўлади.***

# Тезкор, қулай ва ишончли

Жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш учун ҳаракат қилаётган ва бу борада катта ютуқларга эришаётган мамлакатимиз ҳам пул айланмасини тартибга солиш, ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини йўлга қўйиш йўналишида салмоқли ишларни амалга оширди. Жумладан, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурида иқтисодиётнинг барқарорлиги айнан пул айланмасининг узлуксиз ва мунтазам ишлашига боғлиқлиги, ҳисоб-китоб ва тўловлар тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар аниқ кўрсатиб берилган.

Ҳозир юртимизда «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги низомга асосан тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо топшириқномаси, аккредитивга ариза, мемориал ордер, чеклар, пластик карточкалар қўлланмоқда. Мазкур нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг 7 та шакли ичида банк пластик карточкалари билан ҳисоб-китоблар замонавий ва энг самарали усуллардан ҳисобланади. Пластик карточкаларнинг жорий этилиши ва амал қилиш тартиби бир қатор норматив ҳужжатлар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, 2004 йил 3 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан банк пластик карточкаларини чиқариш ва уларнинг муомаласи тартиби тўғрисида»ги низом пластик карталар билан ҳисоб-китобларнинг асосий меъёрий ҳужжати ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Президентининг 2006 йил 3 августдаги «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар ёрдамида ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари бу соҳада қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди.

Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, айниқса, ўзининг долзарблиги билан катта аҳамият касб этади.

Ҳозир банк пластик карточкалари билан ҳисоб-китоблар Ўзбекистонда ҳар қандай ҳисоб-китоб ва тўловлар, жумладан, товарлар ва хизматлар, коммунал, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган ва бошқа тўловларда нақд пул ўрнини босувчи қулай ва тезкор восита сифатида қўлланмоқда.

Банк пластик карточкалари бошқа нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларидан бирмунча афзалдир, улар ишлатишда қулайлиги, операцияларни амалга оширишнинг тезкорлиги, ишончлилиги, ҳужжат ва қоғозларнинг деярли ишлатилмаслиги, муомала харажатларининг камлиги ва исталган жойда улардан фойдаланиш мумкинлиги билан ажралиб туради. Шунга қарамай, мамлакатимизда банк пластик карточкаларидан имкон даражасида фойдаланилмаётганлиги сир эмас. Бунга сабаб аввало, уларга аҳолининг ишончи пастлигидир. Инсонлар онгида узоқ даврлар мобайнида шаклланган нақд пулнинг кучига ишончнинг кучлилиги асосий омиллардан бири деб ҳисоблаш мумкин. Бундан ташқари, пластик карточкаларнинг техникавий ва бутловчи қисмлар билан таъминланганлик даражасининг имконият даражада эмаслиги ҳам охирги йилларда ўз таъсирини кўрсатган эди.

Умуман, пластик карточкалар билан ҳисоб-китобда муаммолар етарли. Хусусан, савдо ва хизмат кўрсатувчи субъектларнинг пластик карточкалар билан тўловларни қабул қилишда товарлар ва хизматлар нархини асоссиз равишда кўтариши, пластик карталардаги пулларни нақд пулга айлантиришда йўл қўйиладиган ҳуқуқбузарликлар, тўлов терминалларининг мунтазам ва ишончли ишламаслиги, банкоматларнинг ёки улардаги нақд пулнинг етишмаслиги ва ҳоказоларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Аҳолининг пластик карточкаларга бўлган ишончи энг муҳим омиллардан бўлиб, уни кўтариш юқоридаги муаммоларни ҳал этишга боғлиқ.




Биринчидан, пластик карточкалар моддий-техник базасининг таъминланганлиги, улар жорий этилган дастлабки пайтлардагига нисбатан ҳозир бирмунча юқори даражага кўтарилган. Хусусан, Марказий банкнинг 2009 йил 27 июлдаги «Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги низомига асосан 2010 йилнинг 1 январигача республикамизда 5,5 млн.та банк пластик картаси жорий этилиб, аҳолига савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида, тўловлар ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш жойларида 60 мингга яқин терминал ўрнатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 445-қарорига асосан пластик карталар, тўлов терминаллари, банкоматлар, дастурий таъминот, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш киосклари, бошқа ускуналар ҳамда зарур материалларни импорт қилиш ва уларни ишлаб чиқариш бўйича имтиёзлар белгиланди.

Иккинчидан, пластик карточкалар билан тўловларни амалга оширишда товарлар ва хизматларнинг нархини асоссиз равишда оширишга қарши қаратилган тадбирларга қарамасдан, товар сотувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳамон қоидабузарликларга йўл қўймоқда. Бу муаммони ҳал этиш учун аҳоли қонуний ҳуқуқларини билиши ва улардан фойдалана олиши, назорат органлари мунтазам равишда назорат қилиши зарур. Бунда ушбу органларга, хусусан Давлат солиқ қўмитасига шундай ҳоллар аниқланганда уларни бартараф этиш учун кенгроқ имконият берилиши керак.

Учинчидан, мижозларнинг пластик карталаридаги пулини нақд пулга айлантиришда доимий равишда юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш учун банкоматлар сонини янада кўпайтириш, уларни нақд пул билан етарлича таъминлаш лозим. Бундан ташқари, кўплаб корхона ва фирмалар пластик карточкалардаги пулни ноқонуний равишда нақд пулга айлантириб бериши, бунда 15, 20, ҳатто 25 фоизгача «хизмат ҳақи» олиб қолиши, бугунги куннинг энг долзарб муаммолардан биридир. Ушбу муаммони ечиш учун тижорат банклари мижозларининг ҳисобрақамларидаги маблағлар ҳаракатини назорат органлари билан ҳамкорликда доимий назорат қилишлари шарт.

**Воҳоб ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Тошкент Банк коллежи**
**Банк иши кафедраси**
**ўқитувчиси**

# Ҳаётий мушоҳадалар




**Журнални варақлаганда**

Ҳар бир нашрнинг ўз олдига қўйган мақсад-вазифаси бўлади. Шу нуқтаи назардан, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини халққа етказиш йўлини танлаган «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг жорий йилдаги илк сони ҳам мазмун-мундарижасига кўра юқоридаги шартларга тўла жавоб беради.

Таҳрир ҳайъатининг мақоласида ўтган йили амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида фикр юритилар экан, нодавлат ташкилотларининг тўлақонли фаолият юритиши учун яратилган шароитлар ҳақида тўхтала туриб: «...Маҳаллага янада кўпроқ ҳуқуқ бериш, уларнинг имкониятларини ошириш, уларга иқтисодий фаолият юритиш имкониятларини бериш кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари боришга қаратилган дастуримизнинг ҳозирги босқичида алоҳида ўрин тутади» дейилади.

Агар эътибор берсангиз, улуғ ятиқлар онага нисбат берилади. Бу бежиз эмас. Негаки аёлнинг оилада, жамиятдаги масъулияти ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Социология фанлари номзоди Гулшода Ўрозалиева «Соғлом она — соғлом бола» мақоласида аёлнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, гендер масалаларига алоҳида тўхталади. «Аёллар қуйидаги уч: репродуктив, продуктив ва ижтимоий вазифа — бола туғиш ва уй хўжалигини юритиш-ишчи кучини тиклаш ва қўллаб-қувватлаш учун зарурдир. Продуктив вазифа — моддий бойлик яратиш учун бажариладиган иш. Ижтимоий вазифа — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқ, таълим, тарбия каби ишларда амалга ошириладиган фаолиятдир», дейди. Муҳими, тадрижий тарзда оналик ва болаликни ҳимоялаш йўлида ҳукуматимиз томонидан катта ишлар қилинаётир. Жумладан, 2010 йил давлат бюджетида соғлиқни сақлаш соҳаси харажатларига 1,7 триллион сўм, яъни ўтган йилдагига нисбатан 30 фоиз кўпроқ маблағ ажратилгани ҳам бу соҳага эътибор кўлами нечоғли кенг эканини яққол кўрсатиб турибди.

Аёлларимизнинг жамиятда тутган ўрни, мавқеи нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятида яққол намоён бўлмоқда.

— Истиқлол йилларида Ўзбекистонда хотин-қизларга муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди, — дейди Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор Фарида Акбарова ўз мақоласида. — Мамлакатимиз Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат, Оила кодекслари ва умуман, 80 дан ортиқ меъёрий ҳужжат юртимиз аёлларининг ҳаётини яхшилаш, опа-сингилларимизнинг фаоллигини ошириш, уларга маънавий-руҳий мадад бериш, қолаверса, уларни турли таҳдид ва қотиб қолган эскича қарашлардан ҳимоя қилиш имконини берди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси раиси Адҳам Шодмонов «Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг шаклланиши» мақоласида шундай дейди: «Ҳозирнинг ўзидаёқ 400 дан ортиқ нодавлат-нотижорат ташкилоти Фонддан маблағ олиш орқали ўз фаолияти қўллаб-қувватланишига эришди. 2009 йилда танловларни ташкил этишга ва ижтимоий буюртмаларни жойлаштиришга 9 млрд. сўмдан оттиқ маблағ ажратилди».

«Қонун — устувор» рукнида берилган Ҳакимбой Ҳалимов ҳамда Нурмат Сабуровнинг мақолаларида Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва унинг истиқболлари, бошқарув, давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари, турлари ҳақида атрофлича мулоҳаза юритади. «Тарих саҳифаларида» рукнида берилган мақолалар эса заминимиз тарихи, ислом ҳуқуқи ва тасаввуф ҳақидаги қарашларингизни янада бойитиши, шубҳасиз.

Шекспирнинг дунё адабиётида тутган ўрнини ҳамонки, унинг ижодига ихлосмандларнинг кўплиги ҳамда асарларининг яшаб келётганида ҳам кўриш мумкин. Журнал саҳифаларидан ўрин олган «Шекспир ҳикматлари» тафаккурингизнинг янада кенгайишига, ёрқин ҳаётий мушоҳадалар гувоҳи бўлишингизга ёрдам беради. «Бахтни ушлаб олиш учун югуришни билиш керак» дейди донишманд Шекспир бизга қарата.

Шунингдек, журнал саҳифаларидан инсон ҳуқуқларига оид қатор анжуман ва тадқиқотлар ҳам ўрин олган.

**Акмал ЭРГАШЕВ**

# Никоҳ ҳақиқий бўлмаса...



**Никоҳни қандай ҳолларда ҳақиқий эмас деб топиш мумкин? Агар шундай ҳолат юз берса, мулкий низолар қай тартибда ҳал этилади?**

**Ботир АДАШБОЕВ,**
**Самарқанд вилояти**

— Никоҳ тузиш ихтиёрийлиги ва бунда келин-куёв ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши кераклиги, никоҳ ёшига риоя этиш талаблари, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар билан боғлиқ шартлар бузилган ҳолда тузилган;

тарафлардан бири ўзида таносил касаллиги борлигини ёки одамнинг иммунитет танқислиги синдроми билан касалланганлигини бошқасидан яширган ҳолда тузилган;

эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламагани ҳолда тузилган никоҳ (сохта никоҳ) ҳақиқий эмас деб топилади.

Оила кодексининг 50-моддасида қайд этилганидек, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибида амалга оширилади.

Шу ўринда никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги, сохта никоҳ тузилганлиги сингари ҳаётда баъзан учраб турадиган ҳолатлар қандай оқибатлар келтириб чиқариши мумкин деган савол туғилиши табиий.

Ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ эр-хотин учун шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди. Никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши шундай никоҳдан туғилган ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган кундан кейин уч юз кун ичида туғилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир этмайди.

Эр-хотин ўртасидаги никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган бўлса, шу никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш оқибатида келиб чиқадиган мулкий низолар, эр ёки хотинга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш, жумладан, тўй харажатларини ундириш билан боғлиқ низолар Ўзбекистон Фуқаролик кодекси талабларидан келиб чиққан ҳолда, жавобгар яшайдиган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси бериш йўли билан умумий тартибда ҳал этилади.

**Махсума АРТИКОВА,**
**Миробод тумани 5-давлат нотариал идорасининг нотариуси**

# Оталик бурчингизни унутманг



***Мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларимизда мустаҳкамланиб, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Конституциямизнинг 14-боби оилага бағишланган бўлиб, унда оила жамиятнинг асосий бўғини, никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши, ота-оналар фарзандлари вояга етгунча боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши 63, 64, 65-моддаларда белгилаб қўйилган.

Асосий қонунимизнинг мазкур талабларидан келиб чиққан ҳолда Оила кодексининг 96-моддасида ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шартлиги, акс ҳолда суднинг ҳал қилув қарори ёки буйруғига асосан алимент ундирилиши белгиланган.

Жамиятда ўз фарзандларини моддий жиҳатдан таъминлашдан бўйин товловчи шахслар учраб тургани учун ундирилиши лозим бўлган маблағни уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаганлик учун Жиноят кодексининг 122-моддасида жавобгарлик белгиланган.

Фориш туман прокуратураси вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Кориз қишлоғида яшовчи Ш.Маликов собиқ турмуш ўртоғи Г.Намозовага (исм-фамилияси ўзгартирилган) тўрт нафар вояга етмаган боласи учун 2008 йилнинг июн ойидан 2009 йилнинг сентябрига қадар 1842921 сўм алимент пулини тўламай келган.

Оталик бурчи ва масъулиятини унутган Ш.Маликов қилмишига яраша жазосини олди.

**Хуршид АЛИМАРДОНОВ,**
**Фориш туман прокурорининг ёрдамчиси**

# Камерал назорат

## юрт тараққиётига хизмат қилади

***Камерал назорат солиқ тўловчи белгиланган тартибда тақдим этган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек, солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида солиқ органидаги бошқа ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган назоратдир.***

Хўжалик юритувчи субъектларга қулайлик яратиш мақсадида ташкил этилган ҳисоботларни қабул қилиш залларида солиқ ходимлари ҳисоботларни қабул қилиб олади. Ушбу ҳисоботлар камерал назоратдан ўтказилади. Солиқ тўловчиларга яратилган қулайликлардан яна бири шуки, камерал назоратдан ўтказилган ҳисоботда қўшимча маблағлар аниқланган тақдирда, солиқ тўловчига нисбатан молиявий ва маъмурий жазо чоралари қўлланмайди ва йўл қўйилган хатолар бирор-бир эътирозсиз тузатилади.

Камерал назорат солиқ тўловчининг ҳузурига бормасдан солиқ органи жойлашган ерда амалга оширилади. Камерал назорат жараёнида солиқ ҳисоботини тўлдиришда хатога йўл қўйилганлиги ёки тақдим этилган ҳисобот ва солиқ органидаги маълумотлар ўртасида тафовут борлиги аниқланса, бу ҳақда солиқ тўловчига тегишли тузатишларни киритиш талаб этилган ҳолда, ёзма равишда хабар қилинади.

Солиқ тўловчи тузатилган ҳисоботни ёхуд аниқланган тафовутларнинг асосини талабнома олинган кундан бошлаб ўн кунлик муддатда тақдим этиши шарт. Давлат солиқ қўмитасининг шу йил 9 февралдаги «Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган камерал назоратнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруғига асосан, Жиззах вилоят солиқ бошқармаси томонидан бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудудий солиқ инспекцияларида камерал назоратни назорат қилиш, самарадорлигини кузатиб бориш, камерал назорат жараёнида солиқ органлари бўлимларининг ўзаро ҳамкорлиги яхши самара бермоқда. Давлат солиқ қўмитаси томонидан вилоятда 2010 йилнинг 1-чорагида камерал назорат ўтказиш натижасида 1 млрд. 450 млн. сўм қўшимча маблағ топиш режаси белгиланган бўлиб, 4 млрд. 269 млн. 100 мин. сўм маблағ аниқланди. Шундан 1 млрд. 260 млн. 200 минг сўми ундирилди. Маълумот ўрнида айтиш керакки, вилоят бўйича 2010 йил 1 апрелгача солиқ инспекцияларида ҳисобот тақдим этиши лозим бўлган 12149 та корхонадан 7593 тасида камерал назорат ўтказилди. Корхоналардан 2488 тасида камчилик аниқланган. Бир сўз билан айтганда, камерал назорат юрт тараққиётига хизмат қилади.

**Г.УРДУШЕВА,**
**Жиззах вилоят давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати раҳбари**

**«Ishonch»га жавоб берадилар**

# Директор жамғармаси

## уни нималарга сарфлаш мумкин?

Таҳририятимизга Тошкент вилояти Оққўрғон тумани 33-мактаб касабақўми Т.Сапиев бир неча савол билан мурожаат қилган эди. Бу саволларга Таълим ва фан ходимлари Марказий кенгаши раиси Н.Акбаров жавоб беради:

**— Ўқитувчи ёки техник ходимни директор жамғармасидан рағбатлантириш тартиби қандай?**

— Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг 4-иловасида келтирилган «Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси тўғрисида низом»нинг 1-бўлим 3-бандига мувофиқ директор жамғармаси маблағлари: умумтаълим муассасаларининг фақат ўрнак кўрсатган ўқитувчиларини (улар умумий сонининг кўпи билан 50 фоизини) уларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш йўли билан моддий рағбатлантиришга; умумтаълим муассасалари ходимларига бир марталик мукофотлар тўлашга ва моддий ёрдам кўрсатишга (фавқулодда ҳолларда) йўналтирилади. Ушбу низомда директор жамғармаси маблағларидан умумтаълим муассасаларида ишловчи техник ходимларни рағбатлантириш кўзда тутилмаган.

Шунингдек, низомнинг 111-бўлим 12-бандига асосан, ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш ва умумтаълим муассасалари ходимларига бир марталик мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорлар умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан қабул қилинади. 4-бўлимнинг 20-бандида умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини бир марталик мукофотлаш уларнинг муассасани ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун бир лавозим маошигача миқдорда мукофот тўлаш йўли билан амалга оширилиши назарда тутилган. 4-бўлимнинг 21-бандида эса ходимларга моддий ёрдам уларнинг мурожаатига кўра ёки умумтаълим муассасаси касаба уюшма ташкилотининг ташаббуси билан фавқулодда ҳолларда (оғир жароҳат олганда, оғир касалликка чалинганда, табиий офатдан зарар кўрганда, яқин қариндоши вафот этганда ва ҳ.) кўрсатилиши белгиланган.

**— Тўлиқсиз ставкада ишлаганлик имтиёзли пенсия олишда ҳисобланадими?**

— 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддаси «к» бандига мувофиқ ўқитувчилар махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда белгиланган ёшдан 5 йил аввал имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарорига асосан тасдиқланган имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган ишчилар рўйхатига берилган тушунтиришнинг 30-бандига биноан 3-рўйхатга киритилган лавозимларда ишловчи аёллар, агар пул тўланадиган фарзанд парваришида бўлсалар (Меҳнат кодексининг 234-моддаси), ўша даврдаги стажи ёшга доир имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини беради.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**

# Ўзбекистон экологик ҳаракати: Натижа ва истиқбол

**Атроф-муҳит муҳофазаси чегара билмайди. Ўзбекистон экологик ҳаракатининг изчил равишда халқаро жамоат ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга интилаётгани ҳам шундан. Бу чуқур экологик муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳаракатларни бирлаштириш, минтақада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизациялашда экологик йўналиш устуворлигини таъминлашга эътибор қаратиш имконини беради. Шунингдек, экологик тоза технологиялар, био ва нанотехнологияларни татбиқ этиш, ишлаб чиқаришда экологик инновацияларни қўллашга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, халқаро молиявий институтларни атроф-муҳит муҳофазаси, экологик таълим-тарбияни яхшилаш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги устувор дастур ва лойиҳаларни инвестициялаш ва кредитлашга жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади.**

— Ўзбекистонда экологик йўналишда 200 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Уларнинг фаолиятини янада кенгайтириш учун кучларни бирлаштирадиган, ҳаракатларни аниқ мақсад сари йўналтирадиган жамоат бирлашмаси сифатида Ўзбекистон экологик ҳаракати ташкил топган эди, — дейди Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Борий Алихонов. — Қисқа вақтда Экоҳаракат ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан атроф-муҳит, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни соғломлаштиришда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш, атроф-муҳит ҳолатининг инсон саломатлиги билан ўзаро муносабати юзасидан 500 дан ортиқ тадбирлар ўтказилиб, уларда 70.000 дан зиёд фуқаролар иштирок этди. Унда Экоҳаракат фаолиятининг қамрови ва моҳияти кенг тушунтирилди.

* * *

Х1Х-ХХ асрларда ҳайвонларнинг миллиондан ортиқ, ўсимликларнинг эса чорак миллиондан зиёд турлари мавжудлиги аниқланган. Мутахассисларнинг тахминларига кўра, Ер юзидаги тирик организм турлари доим мавжуд бўлган, уларнинг умумий сони миллиарддан ошади. Булардан 415 миллионга яқин тури бугунги кунда ерда ҳаёт кечириб келмоқда. Ҳозирги вақтда олимларимиз томонидан 2 миллионга яқин ҳайвон, 500 мингга яқин ўсимлик, 100 мингдан ортиқ замбуруғ ва 40 мингдан зиёд содда ҳайвон турлари ўрганилган. Албатта, ушбу рақамлар доимий эмас, чунки ҳар йили янги турлар кашф этилмоқда.

Табиатшунос мутахассисларнинг фикрига кўра, табиатда ҳаёт кечирувчи барча организмларнинг тахминий сони 30-70 миллион, деб ҳисобланади. Биологик хилма-хилликни амалиётда генетик, турлар ва экотизимлар хилма-хиллиги сифатида таснифлаш мумкин.

Бугунги кунда юртимизда 15 минг турдаги ҳайвон, 4500 га яқин ўсимлик турлари рўйхатга олинган. Шулардан 184 турдаги ҳайвонлар, 305 турдаги ўсимлик ва қўзиқоринлар Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоби»га киритилган.

* * *

Экоҳаракатнинг амалий фаолиятига келадиган бўлсак, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, атроф-муҳит муҳофазасини янада яхшилашга қаратилган 200 миллион сўмдан зиёд иккита ижтимоий лойиҳа муваффақиятли якунланди. Яъни Сирдарё вилоятида қарийб 20 гектарлик «Экоҳаракат боғи»га асос солиниб, 21 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Маҳаллий ҳокимликлар, корхона ҳамда ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича масъулиятини ошириш мақсадида жамоатчилик эшитувларининг мунтазамлиги таъминланди. Экоҳаракат қошида «Ишонч телефони»нинг ишлай бошлагани эса атроф-муҳит муҳофазаси ҳам давлат, ҳам жамият ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлишига эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

* * *

Табиий экотизимдаги турларнинг йўқолиши ва тирик бўлмаган компонентларнинг ўзгаришига қарши 1992 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида биологик хилма-хилликни асраш бўйича Халқаро конвенция қабул қилинган. Конвенцияда биологик хилма-хилликни сақлаш, унинг компонентларидан оқилона фойдаланиш, давлатлараро генетик ва моддий ресурслардан халқаро савдода тенгҳуқуқлилик, барча қонунлар доирасига мос келувчи технологиялардан фойдаланиб иш юритиш назарда тутилган.



Ҳозирги кунда 170 дан ортиқ мамлакат ушбу конвенцияни ратификация қилган. Ўзбекистон Республикаси ҳам 1995 йилнинг июн ойида мазкур конвенцияга аъзо бўлди. Мамлакатимизда 1998 йилда «Биологик хилма-хилликни сақлаш миллий стратегия ва ҳаракат режаси» дастури қабул қилинган. Унга кўра, мавжуд ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турлари таркиби таҳлили, зарурий хилма-хилликни баҳолаш, экотизимдаги замонавий, асосий синфлар статусини кўриб чиқиш муҳим вазифа этиб белгиланган.

* * *

Маълумки, «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасида 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатларга ажратилган эди. Марказий сайлов комиссияси томонидан 2009 йил 17 сентябрда тасдиқланган Низомга кўра, 24 октябрдан 21 ноябргача мамлакатимизнинг барча вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида Экоҳаракатнинг ҳудудий бўлинмалари конференциялари ўтказилди. Унда 7000 дан ортиқ Экоҳаракат фаоллари қатнашди. Конференциялар якунлари марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилди, 100 дан ортиқ теле ва радиолавҳалар эфирга узатилди, мақолалар чоп этилди. Ниҳоят 2009 йил 27 декабр куни Экоҳаракатнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича конференцияси бўлиб ўтди.

Бу атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатларини қабул қилиш, уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан парламент назоратини олиб бориш, ушбу соҳада давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг фаоллигини оширишга қаратилган тадбирларни мувофиқлаштириш учун зарур ҳуқуқий майдон бўлиб хизмат қилиши аниқ. Экоҳаракат мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш, олдига қўйган устувор вазифаларни амалга оширишни қонунчилик йўли билан таъминлаш имконига эга бўлди. Яъни атроф-муҳит муҳофазаси, экологик вазиятни, аҳоли саломатлигини яхшилашга, халқимиз учун соғлом муҳит яратиб беришга хизмат қиладиган янги қонунлар қабул қилиш, мавжудларига замон талаби асосида ўзгартириш киритиш масалаларида ташаббускорликни таъминлайди.

Эътиборли жиҳати хорижий мутахассислар ҳам Экоҳаракат фаолиятини юқори баҳоламоқда.

*Мамоко Чибо, Япониянинг Саломатлик ва барқарорлик халқаро университети профессори:*

— Ўзбекистонда Экоҳаракатнинг тузилиши, ўз вақтида қилинган иш деб ҳисоблайман. Чунки минтақада юзага келган экологик вазият, хусусан, Орол денгизи инқирози билан боғлиқ муаммоларни келгусида бартараф этиш учун аниқ экологик масалаларни қонунчилик доирасида ечишга қаратилган шундай бирлашмага эҳтиёж катта эди.

Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси бошқа мамлакатлар учун ҳам намуна бўла олади.

*Абдураҳмон Ал-Хамисий, мисрлик ёзувчи:*

— Атроф-муҳит муҳофазасини яхшилаш, Орол денгизи қуриши оқибатларини енгиллаштириш ва бартараф этиш мақсадида Экоҳаракат ташкил этилиб, унинг вакилларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидан 15 та депутатлик ўрни ажратилгани, мамлакатингизда бошқа соҳалар қатори экологик йўналишда ҳам кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилаётганидан далолатдир.

* * *

Ўтган асрнинг 90-йилларида пайдо бўлган кимё фанининг «Яшил кимё» илмий йўналиши кимёгарлар орасида янги методологик қараш сифатида кенг қўллаб-қувватланди. Қатор тамойиллари ишлаб чиқилган. Унинг аҳамияти дастлабки реагентларни танлаш ва кимёвий жараёнларни амалга оширишда, энг аввало, заҳарли моддалардан фойдаланмасликдир. Ҳозирги вақтда «Яшил кимё»нинг уч йўналиши — синтезнинг янги йўллари (катализаторлар ёрдамида), қайта тикланадиган дастлабки реагентлардан фойдаланиш (нефт маҳсулотларидан фойдаланмаслик) ва анъанавий органик эритувчилардан фойдаланмасликдан иборат экани кўрсатиб берилади.

Бунда аввало кимёвий ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган атроф-муҳитга ажралиб чиқаётган турли хил заҳарли моддаларни камайтиришга қаратилади. Натижада, инсон яшаб турган муҳит яхшиланади ва экологиянинг мусаффолиги сақланади. «Яшил кимё» тамойилларини ҳаётга изчил татбиқ этиш, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ҳам устувор вазифаларидан биридир.

* * *

Экоҳаракат соҳага доир янги қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, амалдаги қонунлар ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришни қўллаб-қувватлаш борасида жамоатчилик ташаббускорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратган. Бу айниқса саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва энергетиканинг барча соҳаларида экологик тоза ва хавфсиз, сув, ресурс ва энергияни тежовчи технологияларни амалиётга татбиқ этишни ташкил этишда иқтисодий, молиявий, солиқ ва бошқа воситалар ҳамда рағбатлантириш усуллари қўлланилишини янада такомиллаштиришга қаратилгани билан ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Дарҳақиқат, бугунги кунда экологик тоза технологиялар, био ва нанотехнологияларни амалиётга татбиқ этиш, ишлаб чиқаришда экологик новацияларни қўллашга катта эҳтиёж туғилаётгани бор гап.

— Маълумки, қонунлар муайян муаммолар юзага келганда, муносабатларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинади. Бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофазалаш, экологияни ҳимоялаш, инсон саломатлигини сақлаш борасида қонун ҳужжатлари қабул қилинаётганда, айниқса, узоқни кўзлаб иш тутиш зарур, — дейди Илмий тадқиқотлар ва лойиҳа-технологиялар институти директори Суръат Муҳамаджонов. — Ўзбекистон экологик ҳаракатининг дастурий мақсад ва вазифаларидан бири аҳолининг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва инсон саломатлигини сақлаш, экологик ҳолатни яхшилаш, жумладан, атмосфера, сув, ер ресурслари, уларни зарарли чиқиндилардан муҳофаза қилиш, биологик ранг-барангликни асраш ҳамда тиклаш бўйича ишлардаги фаоллигини оширишга қаратилгани билан диққатга моликдир.

Шундай қилиб Экоҳаракатнинг Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи қизғин фаолият бошлашди. Жумладан, 2010 йилнинг 2 март куни Олий Мажлисда бўлиб ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг 2010 йил ва истиқболда қонунларни такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича ҳаракат дастури ҳамда Олий Мажлис қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳит муҳофазаси масалалари қўмитаси иш фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Бир сўз билан айтганда, Олий Мажлис қонунчилик палатаси Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг истиқболда қонунларни такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича ҳаракат дастури ҳамда экология ва атроф муҳит муҳофазаси масалалари қўмитаси ишининг асосий йўналишларини давлат бошқарув органлари, вазирликлар ва идоралар, жамоат ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда кўрилаётган масала бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Дарвоқе, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, табиатга, атроф-муҳитга нисбатан меҳр туйғусини шакллантиришда босма нашрларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Экоҳаракат ташаббуси ва ҳомийлигида «Маънавият» нашриёти томонидан чоп этилган «Ўзбекистон табиати» албом-китоби ҳамда «Булоқча» болалар экологик журнали ҳам ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилади.

«Ўзбекистон табиати» албом-китобининг илк сонида Қашқадарё вилояти табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси акс эттирилган суратлар ҳамда маълумотлар келтирилган. Албом-китоб ўзбек, рус ва инглиз тилида чоп этилган бўлиб, бу юртимизнинг бетакрор табиати ҳақида чет элликларга ҳам батафсил маълумот олиш имконини беради.

Болалар учун нашр этилган «Булоқча» журналида эса она табиат, ўсимлик дунёси ҳақидаги қисқа маълумотлар, суратли ахборотлар бериб борилади. Бу ёшларда экологик тарбияни шакллантиришга, уларнинг қалбида табиатга нисбатан меҳр туйғусини камол топтиришга хизмат қилади.

**Акмал ТОШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

### Душанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 12.50, 15.00, 22.35 «Иқлим».
7.05 «Олам ва одам» дастури: «Қушлар ҳақида ҳақиқат».
7.50 «Тонгги наволар».
8.00 «Таҳлилнома».
8.40, 11.10, 14.15, 15.50, 17.10, 20.05, 21.35 ТВ - анонс.
8.45 - 9.45 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.45 «Болалар дунёси».
10.15 «Қизил гул». М/ф.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
11.15 «Диёр».
11.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Чилпиғ. Сукут минораси».
11.55 «Изҳор».
12.55 «Олис осмон». В/ф.
14.20 «Ватанпарвар».
15.05 Ж. Бизе. «Марварид изловчилар». Спектакл 1-қисм.
15.55 «Менинг оилам».
16.20 «Эл тинчлиги йўлида».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.15 «Ҳаёт ва қонун».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.10 Сериал: «Қайтар дунё».
18.50 «Ватан манзиллари».
19.15 «Ифтихор».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.10 Сериал: «Умидингни сўндирма».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Мен ёшликман».
21.55 «Бетховен вируси». Т/с.
22.40 «Фанни ва Александр». Б/ф. 1-қисм.
23.45 - 23.55 «Очун».

### Сешанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 12.50, 15.00, 22.35 «Иқлим».
7.05 «Олам ва одам» дастури: «Табиат кучлари».
7.50 «Тонгги наволар».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
8.35, 14.15, 15.55, 16.10, 17.10, 20.05 ТВ - анонс.
8.40 - 9.30 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.30 «Бизнинг кутубхона».
9.50 «Сеҳрли анор». М/ф.
10.00 Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси намойиш этади: «Пайшанба ширмой нони».
10.20 «Бетховен вируси. Т/с.
11.10, 18.05 Сериал: «Қайтар дунё».
11.50 «Ахборот». /инглиз/.
12.55 «Ифтихор».
13.00, 20.10 Сериал: «Умидингни сўндирма».
13.30 «Изҳор».
«Болалар сайёраси»:
13.35 «Сеҳрли қалам». М/с.
14.20 «Муҳрланган лаҳзалар».
14.40 «Тарих кўзгуси».
15.00 Ж. Бизе. «Марварид изловчилар». Спектакл. 2-қисм.
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.15 «Мен ёшликман».
16.30 «Ҳаёт манзаралари».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.15 «Аёл бахти».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Олтин мерос».
18.50 «Кун мавзуси».
19.00 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Камолот остонаси».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.10 Сериал: «Умидингни сўндирма».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.35 ТВ - анонс.
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Бетховен вируси». Т/с.
22.45 «Фанни ва Александр». Б/ф. 2-қисм.
23.50 - 24.00 «Очун».

### Чоршанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 12.50, 18.00, 22.35 «Иқлим».
7.05 «Олам ва одам» дастури: «Табиат кучлари».
7.50 «Тонгги наволар».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
8.35, 14.15, 15.55, 17.10, 18.50, 20.05, 21.35 ТВ - анонс.
8.40 - 9.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Кулол». М/ф.
9.50 «Сарҳад билмас дўстлик».
10.15 «Бетховен вируси». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15, 18.15 Сериал: «Қайтар дунё».
12.55 «Кун мавзуси».
13.05, 20.10 Сериал: «Умидингни сўндирма».
«Болалар сайёраси»:
13.35 «Сеҳрли қалам». М/с.
14.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Фазодаги Эйнштейн».
16.00 «Ўйла, Изла, Топ!»
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.15 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар - яхшиликка етак-

## O`zbekiston

лар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.05 «Олтин мерос».
18.55 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Тараққиёт сари».
19.15 «Ифтихор».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Мен ёшликман».
21.55 «Бетховен вируси». Т/с.
22.40 «Фанни ва Александр». Б/ф. 3-қисм.
23.45 - 23.55 «Очун».

### Пайшанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 12.50, 22.45 «Иқлим».
7.05 «Олам ва одам» дастури: «Табиат кучлари».
7.50 «Тонгги наволар».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
8.35 - 9.35 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.35 «Цирк, цирк, цирк».
9.55 «Чорраҳа».
10.10 «Бетховен вируси». Т/с.
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55, 18.50 «ТВ - шифокор».
11.10, 14.15, 17.10, 20.05, 21.35 ТВ - анонс.
11.15, 17.55 Сериал: «Қайтар дунё».
11.50 «Ахборот». /инглиз/.
12.55 «Ифтихор».
13.00, 20.10 Сериал: «Умидингни сўндирма».
13.30 «Изҳор».
«Болалар сайёраси»:
13.35 «Сеҳрли қалам». М/с.
14.20 «Дунё манзаралари».
14.40 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Фазодаги Эйнштейн».
15.45 «Очун».
15.55 «Тезкор хабарлар».
16.05 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
16.25 «Мен ёшликман».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.15 «Юрт меҳри».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.50 «Олтин мерос».
18.35 «Кун мавзуси».
18.55 «Бир жиноят изидан».
19.15 «Бизнес ва мен».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
22.00 «Бетховен вируси». Т/с.
22.45 «Фанни ва Александр». Б/ф. 4-қисм.
23.50 - 24.00 «Очун».

### Жума

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 12.50, 15.05, 22.35 «Иқлим».
7.05 «Олам ва одам» дастури: «Табиат кучлари».
7.50 «Тонгги наволар».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
8.35, 11.10, 12.55, 14.15, 15.55, 17.10, 20.05 21.35 ТВ - анонс.
8.40 - 9.40 «Маънавият» дастури.
9.40 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.00 «Кун мавзуси».
10.15 «Бетховен вируси». Т/с.
11.15, 18.00 Сериал: «Қайтар дунё».
11.55 «Изҳор».
13.00, 20.10 Сериал: «Умидингни сўндирма».
13.30 «Бизнес ва мен».
«Болалар сайёраси»:
13.40 «Сеҳрли қалам». М/с.
14.20 «Одамлардан бири».
14.40 «Хонадон».
15.10 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Моцарт.
16.00 «Маҳалла».
16.20 «Ўзингни асра».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.15 «Саломатлик дастури».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.50 «Сизнинг адвокатингиз».
17.55 «Олтин мерос».
18.50 «Минг бир ривоят».
18.55 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.15 «Ифтихор».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус /.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 «Боқий Бухоро».
22.05 «Бетховен вируси». Т/с.
22.50 «Байрам куни». Б/ф.
00.05-00.15 «Очун».

### Шанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 13.00, 14.50 «Иқлим».
7.05, 14.15, 17.55, 20.05, 21.35 ТВ - анонс.
7.10 Миллий кино: «Сени излаб».
7.45 «Тонгги наволар».
8.00 14.00, 21.00 «Ахборот».
«Болалар сайёраси»:
8.35 «Бизнинг кутубхона».
8.55 «Нонни босган қизча». М/ф.
9.05 Сериал: «Қайтар дунё».
9.55 «Минг бир ривоят».
10.00 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
10.20 1.»Рангинкамон». 2. «Дидар».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Бетховен вируси». Т/с.
13.05 «Ифтихор».
13.10 Сериал: «Умидингни сўндирма».
13.40 «Шарқ тароналари».
14.20 «Азизим».
14.55 «Марказий вокзал». Б/ф.
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Ўйла, Изла, Топ!»
17.20 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.45 «Қорақалпоқ оҳанглари».
18.00 «Саломатлик сирлари».
18.20 «КулдиРИНГ».
18.50 «Бахшиёна».
18.55 «Мумтоз мусиқа».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.10 Сериал: «Денгиздан томчи».
20.45 «Баҳор қўшиқлари».
21.40 «Ватан пойтахти».
22.10 «Уй можароси». Б/ф.
23.40 - 23.50 «Очун».

### Якшанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 11.55, «Иқлим».
7.05, 8.35, 9.15, 10.55, 11.55, 15.55, 18.40, 20.05, 21.40, ТВ - анонс.
7.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тоғ гуллари».
7.20 Миллий кино: «Галатепалик авлиё».
7.45 «Тонгги наволар».
8.00 «Ахборот».
«Болалар сайёраси»:
8.40 «Фаррух ва Зумрад». М/ф.
9.20 «Табассум».
9.50 «Минг бир ҳунар».
10.05 «Кўнгилга йўл».
10.35 «Саломатлик сирлари».
11.00 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қўриқхона манзаралари ».
13.00 «Бахшиёна».
13.05 «КиноТеатр».
13.30 «Энг ажойиб ўйин». Б/ф.
15.25 «Муқаддас қадамжолар». Хазрати Имом.
«Болалар сайёраси»:
16.00 «Болалар дунёси».
16.30 «Хатолар ороли». М/ф.
17.00 Миллий кино: «Ойижон».
18.20 «Рангин дунё».
18.45 «Оҳанрабо».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома». /рус/.
20.10 Сериал: «Денгиздан томчи».
20.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 «Заковат».
22.35 «Оға-инилар». Б/ф.
00.20 - 00.30 «Очун».

---

### Душанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»
8.30, 10.55, 15.10, 19.55, 21.20, 21.50, 23.50 «Анонс».
8.35 «Бойвачча Рич». Б/ф.
10.05 Мумтоз наволар.
10.15, 15.15 «Эсмеральда». Т/с
10.45, 17.25 «Карвонсарой».
11.00 «Саргузаштлар ороли».
11.25 «Мудҳиш хато». Б/ф.
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55, 17.55 «Ўйларим».
15.00, 18.00, 20.00 «Пойтахт».
15.45». Динозаврлар билан сайр». Х/ф.
16.15 «Ҳуқуқшунос маслаҳати».
16.20 «Метро». Т/ф.
16.45 «Атлантида сирлари». М/ф. 1-қисм.
17.35 «Болаликка қайтиб».
18.20 «Адолат тарозиси». Т/с 16-қисм. /Якунловчи/.
19.15 «Тошкентнинг илм масканлари».
19.30 Сериал: «Ўзи уйланмаган совчи». 37-қисм.
20.20 Бизнес»Пойтахт».
20.25 «Телекурьер-маркет».
20.35 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.05 «Аёл қалби».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «Пойтахт». /рус/.
21.55 «Будьте здоровў».
22.05 «Телекурьер-маркет».
22.15 «Кино SMS со звёздами».
22.20 «Медальон». Х/ф.
23.50 «Анонс».

### Сешанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»
8.30, 9.25, 10.25, 11.40, 15.10, 16.15, 17.25, 17.55, 18.20, 19.55, 21.20 «Анонс».
8.35, 16.55 «Карвонсарой».
8.45 Мумтоз наволар.
8.55, 15.15 «Эсмеральда». Т/с
9.30, 15.00, 18.00, 20.00 «Пойтахт».
9.40, 20.20 Бизнес»Пойтахт».
9.45, 19.30 Сериал: »Ўзи уйланмаган совчи».
10.10 «Аёл қалби».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Таинственный остров». Т/с 6-қисм. /Заключительная/.
11.10 «Будьте здоровы».
11.20 «Мысли вслух».
11.25 «Тошкентнинг илм масканлари».
11.45 «У замонлар ўтиб кетган». Б/ф.
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55, 17.50 «Ўйларим».
15.45». Динозаврлар билан сайр». Х/ф. 2-қисм.
16.20 «Атлантида сирлари». М/ф. 2-қисм.
17.05 «Истеъдод».
17.30 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Эртамиз эгалари».
18.25 «Севги тилсими». Т/с 1 - қисм.
19.15 «Ҳимоя».
20.25, 22.00 «Телекурьер-маркет».
20.35 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.05 «Менинг маҳаллам».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «Пойтахт». /рус/.
21.50 «Репортаж». /рус/.
22.10 «Кино SMS со звёздами».
22.15 «Агент Джони Инглиш». Х/ф.
23.40 «Будьте здаровы».
23.50 «Мысли вслух».

### Чоршанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»
8.30, 9.25, 10.25, 10.40, 15.10, 16.15, 17.30, 17.55, 18.20 «Анонс».
8.35, 16.55 «Карвонсарой».
8.45 Мумтоз наволар.
8.55, 15.15 «Эсмеральда». Т/с
9.30, 15.00, 18.00, 20.00 «Пойтахт».
9.40, 20.20 Бизнес»Пойтахт».
9.45, 19.30 Сериал: «Ўзи уйланмаган совчи».
10.10 «Ҳимоя».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.45 «Письмо Королю». Т/с 1-қисм.
11.10 «Репортаж». /рус/.
11.20 «Камер оркестрининг концерти».
11.30 «Анянинг қўнғироқчаси». Б/ф.
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55, 17.50 «Ўйларим».
15.45 «Динозаврлар билан сайр». Х/ф. 3-қисм.
16.20 «Имтиҳон».
16.40 «Ҳуқуқшунос маслаҳати».
16.45 «Лизюкова кўчасида яшовчи мушукча». М/ф.
17.05 «Нақшлар камалаги». Т/ф.
17.15 «Маърифат фидойилари».
17.35 «Ислоҳот одимлари».
18.25 «Севги тилсими». Т/с 2 - қисм.

## TOSHKENT

19.15 «Саломат бўлинг!»
20.25, 21.50 «Телекурьер-маркет».
20.35 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.05 Эко-»Пойтахт».
21.15 «Дурдона».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «Пойтахт». /рус/.
22.00 «Кино SMS со звёздами».
22.05 «Наверное боги сошли с ума». Х/ф.

### Пайшанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»
8.30 Эко-»Пойтахт».
8.40, 16.50 «Карвонсарой».
8.50 Мумтоз наволар.
8.55, 15.15 «Эсмеральда». Т/с.
9.30, 10.30, 15.00, 18.00, 20.00 «Пойтахт».
9.40, 20.20 Бизнес»Пойтахт».
9.45, 19.30 Сериал: »Ўзи уйланмаган совчи».
10.10 «Дурдона».
10.40 «Письмо Королю». Т/с 2-қисм.
11.05 «Ислоҳот одимлари».
11.25 «Буланка меҳмонхонаси»Б/ф.
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55, 17.50 «Ўйларим».
15.45 Жаҳон мусиқаси дурдоналари. Ф. Шуберт.
15.50 «Динозаврлар билан сайр». Х/ф. 4-қисм.
16.25 «Мен чемпион бўламан». Т/ф.
16.40 «Ҳурматталаб алвасти». М/ф.
17.00 «Мулоҳаза учун мавзу».
17.30 «Менинг маҳаллам».
18.25 «Севги тилсими». Т/с 3- қисм.
19.15 «Репортаж».
20.25, 22.05 «Телекурьер-маркет».
20.35 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.05 «Бизнинг футбол».
21.25 «Мумтоз наволар».
21.30 «Пойтахт». /рус/.
21.50 «Мысли вслух».
21.55 «Экономическое ревю».
22.15 «Кино SMS со звёздами».
22.20 «В ожидании чудо». Х/ф.

### Жума

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Анонс».
8.35, 16.45 «Карвонсарой».
8.45 Мумтоз наволар.
8.55, 15.15 «Эсмеральда». Т/с
9.30, 15.00, 18.00, 20.00 «Пойтахт».
9.40, 20.20 Бизнес»Пойтахт».
9.45, 19.30 Сериал: »Ўзи уйланмаган совчи».
10.10 «Репортаж».
10.20 Жаҳон мусиқаси дурдоналари. Ф. Шуберт.
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Письмо Королю». Т/с 3-қисм.
11.05 «Мысли вслух».
11.10 «Кинотақдим».
11.40 «Қизалоқ, кинода ўйнашни хохлайсанми?» Б/ф.
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55, 17.50 «Ўйларим».
15.45 «Динозаврлар билан сайр». Х/ф. 5-қисм.
16.20 «Ўзбекистон обсерваториялари». Т/ф.
16.35 «Бахт ўзи нима?» М/ф.
16.55 «Нима учун?»
17.35 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Эртамиз эгалари».
18.25 «Севги тилсими». Т/с 4- қисм.
19.15 «Саломат бўлинг!»
20.25, 22.00 «Телекурьер-маркет».
20.35 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.05 «Имтиҳон».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «Пойтахт». /рус/.
21.50 «Афиша». /рус/.
22.10 «Кино SMS со звёздами».
22.15 «Свадьба лучшего друга». Х/ф.

### Шанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»
8.30, 9.25 «Анонс».
8.35, 16.25 «Карвонсарой».
8.45 Мумтоз наволар.
8.55, 15.05 «Эсмеральда». Т/с
9.30, 20.00 «Пойтахт».
9.40, 20.20 Бизнес»Пойтахт».
9.45, 19.30 Сериал: »Ўзи уйланмаган совчи».
10.10 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Эртамиз эгалари».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.45 «Мысли вслух».
10.50 «Афиша». /рус/.
11.00 «Все о туризме».
11.30 «Экономическое ревю».
11.40 «Бошпана излаб». Б/ф.
14.00 «Дунё» теледастури.
15.00, 18.00 «Ўйларим».
15.35 «Динозаврлар билан сайр». Х/ф. 6-қисм.
16.10 «Ҳуқуқшунос маслаҳати».
16.15 «Сеҳрли сандиқ». М/ф.
16.35 «Саломат бўлинг!»
16.50 «Қонун доирасида».
17.10 «Мулоҳаза учун мавзу».
17.40 «Афиша».
18.05 «Санъатимиз ҳазинасидан».
18.25 «Севги тилсими». Т/с 5- қисм.
19.15 «Интервью».
20.35 «Кадр ортида».
20.55 «Истеъдод».
21.20 «Мумтоз наволар».
21.30 «Пойтахт». /рус/.
21.50 Эко-»Пойтахт». /Рус/.
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Кино SMS со звёздами».
22.15 «Драконий жемчуг: эволюция». Х/ф.
23.40 «Мысли вслух».
23.45 «Афиша». /рус/.

### Якшанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»
8.30, 9.25 «Анонс».
8.35, 15.00 «Карвонсарой».
8.45 Мумтоз наволар.
8.55, 15.15 «Эсмеральда». Т/с
9.30 «Пойтахт».
9.40 Сериал: «Ўзи уйланмаган совчи». Т/с
10.05 «Саргузаштлар ороли».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Мысли вслух».
10.45 Эко-»Пойтахт». /Рус/.
11.00 «Интервью».
11.10 «Кинотакдим».
11.35 «Уч бақалоқ». Б/ф.
14.00 «Афиша».
14.15 «Истеъдод».
14.35 «Болаликка қайтиб».
15.1019.15 «Телекурьер-маркет».
15.20 «Москва кўз ёшларга ишонмайди». Б/ф.
17.45 «Фаравонлик бекати».
18.00 «Менинг шаҳрим».
18.25 «Нима учун?»
19.25 «Тошкент оқшомлари».
19.55 Мумтоз наволар.
20.05 «Мысли вслух».
20.10 «Все о туризме».
20.40 «Кино SMS со звёздами»: «Модильяни». «Зеленая миля». «Знакомьтесь, Джо Блек».

# Қўл телефонингизни ўчириб қўйинг



*Соғлиққа вақтида эътибор бермаслик кейинчалик қимматга тушиши мумкин. Аслида жисмимиздаги ҳар бир аъзо биз учун муҳим ва қадрли эканлигини англаб, уларни асраб-авайлашимиз керак. Бугун инсон соғлиғига, аниқроғи, қулоқларимизга катта хавф солиб турган воситалардан бири, қўл телефонидир. Гапнинг рости, уяли алоқа воситасида кўпгина имкониятлар бор. Чунки, у орқали яқинларимиз билан суҳбатлашамиз, хат ёзишамиз, мусиқа тинглаймиз, ундан радио ва телевизор сифатида ҳам фойдаланишимиз мумкин. Ҳозир шундай мукаммал телефон аппаратлари чиқиб кетдики, у орқали ҳатто Америкадаги дўстимизнинг чеҳрасини кўриб, овозини ҳам эшитиш имконига эгамиз.*

Биз қулай деб қўлимиздан қўймайдиган техник воситаларининг, афсуски, кўзимизга кўринмайдиган салбий хусусиятлари ҳам бор экан.

— Ўтган йили телефонда соатлаб эмас, кунлаб гаплашардим, — дейди Нурбек исмли курсдошим. — Бунинг устига қулоқчин(наушник)ни қулоғимга тақиб, кечаси билан мусиқа эшитардим. Бошида ҳаммаси яхшидек эди. Лекин кутилмаганда ўнг қулоғим яхши эшитмай қолди. Қўрқиб кетдим. Тўғриси, эшитмаслик жуда ёмон бўларкан. Тошкент тиббиёт академиясига бордим. Шифокорлар менга 2 ой телефондан фойдаланишни тақиқлаб қўйишди. Бир ой давомида керакли муолажаларни олиб турганим учун шифо топдим. Бу ҳол яна қайтарилишини сира хоҳламайман.

— Ҳар бир техника воситаси инсоннинг мушкулини осон, узоғини яқин қилиш мақсадида кашф қилинади, — дейди яна бир курсдошим Равшан Шаманов. — Лекин биз ана шу вазифанинг нима эканлигини унутиб қўяётгандаймиз. Техникага қизиққаним сабабли, телефоннинг фойда ва зарарли томонлари ҳақида маълумотларга эгаман. Кўп гаплашишнинг соғлиққа ўта зарарли эканлигини билгани учун ҳам, ундан фақат зарур ҳоллардагина фойдаланаман.

— Ақлий меҳнат билан шуғуллана туриб, мусиқа эшитиш жуда зарарлидир, — дейди педиатр-эндокринолог Доно Турсунхўжаева. — Қулоқ пардасининг кўп тебраниши эшитув нервига таъсир этгани ҳисобига эшитиш қобилияти пасаяди. Бу ҳол, албатта, бирдан содир бўлмайди. 3-4 йил давомида ривожланиб боради. Оқибатда, киши сўзларни яхши эшитмайдиган, қаттиқ гапирадиган, жиззаки ва таъсирчан бўлиб қолади. Бунинг устига бундай инсонларда бош айланиши, ҳолсизлик кўп кузатилади.

Қулоқчин орқали кўп мусиқа эшитиш таъсирида бош мия чарчаб, невроз ва невростиния хасталигини келтириб чиқаради. Тўғри, қулоқчин қулоқ пардасини ташқи таъсирлардан асрайди. Лекин фойдасидан зарари кўпроқ.

Бу фикрларни ўқиб қулоғингизни ушлаб қолган бўлсангиз, ажабмас. Қанийди, ҳаммаси қулоқ оғриғи билан тугай қолса. Афсуски, қўл телефонлари яна бошқа муаммоларни ҳам келтириб чиқаради.

Таниқли рус урологандрологи Михаил Карякин шундай дейди: «Ҳозир кун сайин кўпаяётган уяли телефонларда меъёрдан ортиқча суҳбатлашиш, ҳатто ёнда олиб юриш инсоннинг (эркакнинг) уруғи сони ва сифатига салбий таъсир кўрсатиши ҳақида илмий асосланган тасдиқнома олинган. Бу тўғрида 2004 йилда тадқиқот бошлаган венгриялик олимлар камарида ёки чўнтагида мобил телефонини олиб юрган эркакларда уруғ сифати бир йил ичида 20-30 фоиз айниганини аниқладилар. Зеро, телефонда гаплашмасангиз ҳам, у тармоқ билан боғланиш учун сигнал бериб туради.

Агар телефон эгаси бино ичкарисига (лифт, ертўла, метро ва ҳ.к) кириб қолса, телефон сигналини кучайтириб, ўз тармоғини қидира бошлайди. Иш режими ҳам тезлашади.

2006 йили Америка насл тиббиёти жамиятининг анжуманида мобилникда сўзлашувнинг ўзи ҳам эркак учун хавфли эканлиги далил-исботли айтилди. Кун давомида қанча кўп гаплашилса, уруғ шунча камайиб борар экан». Албатта, бу маълумотлар ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Кўплаб олимларнинг тинимсиз изланиш ва тадқиқотлари натижасида аниқланган. Халқ тили билан айтганда, «Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди».

Табиатнинг шундай қонуни бор: ҳаётда содир бўладиган ҳар хил касалликларга, уруш ва талотўпларга чидай олган, иммунитети кучли мавжудотгина яшаш ҳуқуқига эга. Бугун биз оила қуриш арафасида турган қайси бир ёш йигит-қизга қарамайлик, юзма-юз муҳокама қилса бўладиган майда-чуйда гапларни ҳам телефонда гаплашишини кузатамиз. Шундай экан, туғилажак авлоднинг соғлиғи ҳақида хавотирланмай бўладими?

## Қулоқ керакми? Қадрланг

Атрофимизни ўраган муҳит жонли ва жонсиз табиатдан ва ундаги доимий ҳаракатдан иборатдир. Бу муҳитни таниш ва билишда кўриш, эшитиш, ҳид билиш, маза билиш ҳамда тегиб сезиш каби сезги органларимиз (анализаторлар)нинг роли катта. Уларнинг ташқи муҳитдан қабул қилиб олган масъулиятлари махсус нервлар орқали бош миянинг пўстлоғига етказилади ва биз нарсаларнинг рангларини, уларнинг семиз-ориқлигини, юмшоқ-қаттиқлигини, катта-кичиклигини, товушларнинг баланд ва пастлиги, ёқимли ва ёқимсизлигини англаймиз, танийимиз ва бир-биридан ажратамиз. Бинобарин, сезги органларимиз шартли рефлекслар ҳосил қилувчи ва бизни яшашга қобил қилувчи зарур воситалардир.

Эшитиш органимиз ҳайвонларникидан бутунлай бошқачадир. Ҳайвонлар ҳам сўзни эшитади. Аммо ҳайвон уни фақат товуш сифатида эшитса, инсон эшитибгина қолмай, уни англайди ҳам. Ҳайвон эса бу хусусиятдан маҳрумдир.

Инсон эса сўз билан боғлиқ бўлган барча хотираларини кўз олдига келтиради. Унинг мазмунидаги нарса гарчи айни замонда мавжуд бўлмаса-да, уни хаёлида гавдалантириб кўра олади.

Тиббий маълумотларга қараганда, инсон қулоғи секундига 16 дан 20 000 гача тўлқин берадиган товушларни қабул қила олади. Эшитиш қобилиятидан маҳрум киши табиатдаги бепоён товушлар оламини тинглаб лаззатланиш бахтига эга эмас.

Кўзи ожиз бир қизга:

— Агар кўзларингиз кўриши эвазига, гапира олмаслик қолишга рози бўлармидингиз, — деганимда у: — Кўзларим кўрмасалигига кўникиб кетганман, яшашимга халақит бермайди. Лекин дунёдаги товушларни эшитолмаслик ва яқин инсонларим билан гаплаша олмаслик бу ҳақиқий фожеадир, — деб жавоб берганди.

Франциядан юртимизга саёҳат мақсадида ташриф буюрган жаноб Клоди бир суҳбатда: «Юртингиз ёшлари кўпроқ қулоқ шифокори бўлса, яхши бўларди», деганди. Аввалига, у бу сўзни ҳазил тариқасида айтган, деб ўйлагандим. Адашган эканман.

— Бу ерда одамлар мусиқани жуда баланд тинглашар экан, бу қулоққа жуда зарар келтиради, — дея фикрини изоҳлаганди меҳмон.

Чиндан инсон ҳамиша ўзи учун беминнат хизмат кўрсатаётган аъзоларининг қадрига етавермайди. Гўёки қулоқлар бизнинг ҳаётимизда ҳеч қандай аҳамиятга эга эмасдай, биз уларни бўлган-бўлмаган ҳақорат сўзларни эшитишга, ҳар хил шовқин-суронли мусиқаларни тинглашга мажбур қиламиз. Азиз биродар! Қулоқларимдан ажраб қолмай десангиз, уларни асрашга ҳаракат қилинг. Бўлмаса...

**Назира БОЙМУРОДОВА**

# Авлодлар соғлом ўссин

**Олимларнинг маълумотига қараганда, тана ва унинг таркибидаги суяк тизимининг ўсиши кишининг 2 ёшлигидан 10 ёшигача ва кейинчалик жинсий ривожланиш даври — 15-20 ёш оралиғида кузатилар экан.**

**Маълумки, жисмнинг ривожланиши она қорнидан бошлаб 25-30 ёшгача давом этади. Бунинг учун инсон организмига калций ва Д витамини кўп керак бўлади.**

**Калций асосан суяк ва тишлар учун зарур. Бу моддага муҳтожлик болалар ва ўспирин ёшидагиларда анча юқори. $Д_3$ витаминисиз калций организмга сўрилмайди. Бу витаминлар етишмаслиги, айниқса, 2 ёшгача бўлган болаларда рахит касаллигини келтириб чиқаради.**

**Калций, шунингдек, нерв ва мушак системаси ишлашига керак бўладиган кўп ферментларнинг пайдо бўлишида қўшимча омил ҳисобланади. Қон қуюлиши системасида асосий рол ўйнайди ва ҳужайра ичидаги модда аламашинувига хизмат қилади. Организмга калций тўла-тўкис келиб тушгандагина, болада суяк ўсиши тезлашади ва суяклар бақувват бўлади. Лекин бўйи паст, рахит аломатлари бор ўспиринларни тез-тез учратамиз. Организмда калций етишмаслигини қандай билиш мумкин?**



**Тик турганда ва ўтирганда кучли толиқиш, бел ва оёқларда тез-тез оғриқ туриши, жисмоний ҳаракатдан сўнг оёқ мушакларида тортишишлар, қоматни нотўғри тутиб туриш, бўй ўсишининг сустлиги, бош суягининг катталиги, милклар яллиғланиши, тишнинг касалликка чалиниши ва тўкилиши, қийшиқ ўсиши организмда калций камлигидан далолат беради.**

**Юқорида айтилганидек, калций организмга яхши сўрилиши учун $Д_3$ витамини керак. Бу витамин асосан озиқ-овқатлар билан танага киради. Она сути калцийга бой. Унинг яхши сингиши учун гўдакни, ёш болаларни тез-тез офтобга олиб чиқиб, айлантириш керак. Озиқ-овқат маҳсулотларидан сут, йогурт, юмшоқ пишлоқ, шпинат, сардинада калций кўп бўлади. Агар ёш бола кунига 3 маҳал сут-қатиқ истеъмол қилиб турса, организми калций билан тўйиниб юради.**

**Масалан, 8 ёшли бола нормал ўсиши учун кунига 800 мг калций керак экан. Бу миқдор 80-100 г пишлоқда, 600-800 г сутда бор. Гўшт, балиқ, сабзавот, мевалар, нон, бўтқа ва макаронлар орқали кунлик нормани олишга эришилмайди. Йогурт ёки творогда бир кунлик калцийнинг фақат 15 фоизи бўлади.**

### Д витамини

**Чақалоқларда Д витамининнинг кўп ё камлиги она соғлиғига боғлиқ. Ҳомиладорлик вақтида онада Д витамини кам бўлса, чақалоқда ҳам кам бўлади, айниқса қондаги плазмада. Бу витаминнинг танқислиги 2 ёшгача бўлган болаларда кўп учрайди. Бундай вазиятларда офтоб нурининг камлиги салбий таъсир қилади. Шунинг учун ҳар куни чақалоқ ва ёш болаларни офтобга тутиб туриш фойдалидир. Агар кунлик муолажа 30 дақиқа давом этса, бола рахитга мубтало бўлмайди.**

**Масалан, Арктикада 6-7 ой қуёш кўринмаслиги мумкин ёки қиш ойлари нима қилиш лозим? Бундай ҳолларда ёш болага витаминга бой маҳсулотларни бериш мақсадга мувофиқдир.**

### Д витамини танқислиги

**Д витамини танқислиги белгиларига бўй ўсишининг тўхтаб қолиши, кўп ухлаш, сержаҳллик, ҳолсизлик киради. Сурункали Д витамини етишмаслиги чақалоқларда рахит касаллигини келтириб чиқаради. Ёш болаларнинг оёқлари қийшиқ бўлиши, бош мия катталашиши, қовурғаларнинг қинғир бўлиши кузатилади.**

**Рахит гўдакларда кўп кузатилади. Аммо бу ҳолни оғирлаштирадиган ҳолат чақалоқни қаттиқ ўраб қўйишдир. Бола танасига офтоб нурлари тушмайди.**

**Калций ва Д витаминини кўп бериш ҳоллари ҳам учрайди. Бу токсик самарага олиб келади. Қонда гиперкалцемия пайдо бўлади. Гиперкалцемия — болаларда чанқоқ, ҳолсизланиш, иштаҳасизлик, қусиш, ақлий ривожланишнинг пастлиги, қонда Д витамининнинг кўпайиб кетиши, буйракларда калций тошларининг пайдо бўлишидир.**

**Бола яхши ривожланиши учун...**

**Мактаб ёшидагилар учун спортнинг ҳар хил турлари, боғча болалари учун эрталабки бадантарбия муҳимдир. Машқ бажарилаётган хона шамоллатиб турилиши керак.**

**Болангизни педиатр кўригидан ўтказиб туринг. Унинг тавсияларини тўла-тўкис бажаринг. Унутманг, сиз ва оилангизнинг саломатлиги ўзингизга боғлиқ.**

**И. ТОҲИРОВ**

# Аёл



Аёл ҳақида фикр билдирмаган, куй басталаб, қўшиқ айтмаган, асар ёзмаган ижодкор бўлмаса керак. Ҳақиқатан ҳам аёл ҳусни, фазилати васфини кўп ва хўп сўзлаш, ёзиш мумкин. Шунинг учун ҳам Хусрав Деҳлавий:

**_«Мен асир мубтало, нотавон сенсиз,_**
**_Нечук тирикман мен ҳамон сенсиз,_**
**_Менсиз қайдасан деб сўрайсан ҳам,_**
**_Ўзим ҳам билмайман, мен қаён сенсиз?», –_**

дегандир. Ҳа, муҳаббат ҳажри, висол онлари кимнинг бошига тушмаган. Махтумқули айтганидек:

**_«Аввал бошда, қодир оллоҳ,_**
**_Сендан бир карам истарман._**
**_Бодом қовоқ, олма ёноқ_**
**_Бир зебо санам истарман._**
**_Бир доно ёр бергин менга,_**
**_Қадри бор одам истарман»._**

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳам Бибихонимни нечоғлик ардоқлагани «Аёлларга имкон қадар илиқ муомалада бўлишга ҳаракат қилдим» деган фикрининг ҳаётий ифодасидир. Аёллар У.Урвинг таъбирича: «Муҳаббат бобида эркакларга нисбатан анча сермулоҳазакор, чунки муҳаббат аёл учун чин маънодаги туйғу ва бутун ҳаётнинг мазмунидир».

Ҳазрат Алишер Навоий эса:

**_«Оналар оёғи остидадир_**
**_Равзаи жаннату жинон боғи,_**
**_Равза боғин висолин истар эсанг,_**
**_Бўл онанинг оёғин тупроғи», –_**

дея улуғлайди. Келинг шу ўринда табиатан содда, беғубор, оддий инсон — бир аёл турмуш тарзи, фазилатлари ҳақида айтиб берсам.

Ҳикоямиз қаҳрамони Саодатхон барвақт ўрнидан турди. Болаларига нонушта тайёрлади. Сўнгра ишга отланди. Ишхона. Бу даргоҳга келганига 30 йил тўлибди. Қанча одамлар келиб кетди, нечта раҳбар алмашди. Вақт ўтаяпти, сочларига оқ оралабди. Саодатхон эндиликда уч фарзанднинг онаси, невараларнинг бувиси. Яратганга шукур, фарзандлари топармон-тутармон. Ўзи институтни тугата олмаганлиги учун болаларини ўқитди. Болам, оилам деб елиб-югурди.

Онаси раҳматли кўп йил ўқитувчилик қилган ажойиб инсон эди. «Болам, ўқимадим деб ўксима. Техникумни тугатдинг, дипломинг бор, ишхонангда обрўнг бор, болалярингни халқ учун тарбиялагин. Ҳаётда ўрнини топсин, жамиятга фойда келтирсин», — дея уқтирарди.

Саодатхон бу насиҳатларга бир умр амал қилди.

Эрталаб болаларини кузатар чоғи: «Жон болам, кимни кўрсанг салом бер. Бировнинг ҳақига кўз олайтирма, алдама, мақтанчоқлик қилма, бетгачопар бўлма. Камтар, ҳалол, ҳамма билан самимий муносабатда бўл, ҳар қандай вазиятда виждонан иш тут» дерди.

Кечқурун болаларининг ўқиши билан қизиқар, дарс тайёрлашга ёрдам берар, улар билан суҳбатлашиш жону дили эди.

Шундай суҳбатларнинг бирида катта ўғли:

— Онажон, тепадаги қўшнимизни милиция ходимлари олиб кетишибди. Ёмон одам экан, ўртоғим айтди, — деди.

Иккинчи ўғли:

— Бекор гап экан. Иккала қўшни жанжаллашиб юргани боис бир-бири тўғрисида миш-миш тарқатибди, — деб акасининг гапини изоҳлади.

Шунда онаси мулойимлик билан гап бошлади:

— Болаларим, миш-миш тарқатиш, чақимчилик энг ёмон феълдир. Иғвогарларни Аллоҳ севмайди, у бор ерда барака ҳам бўлмайди. Қадимда бир одам уйига хизматкор олиб келибди. Хизматкордан қандай айби борлигини сўрабди. Хизматкор: «Хўжайин, эрталабдан кечгача нима иш буюрсангиз қиламан, фақат айтиб қўяй: сўз ташийман, иғвони яхши кўраман», — дейди. Хўжайин: «Эътибор қилма, бунинг аҳамияти йўқ», — деб хизматкорни юпатади. Бир неча кундан сўнг уй эгасининг хотинига: «Сени эринг яхши кўрмайди, унинг бошқа оиласи бор, ака-укалари хабардор, сендан сир тутмоқда», — дейди. Уй эгасига эса: «Хотининг болаларингни сенга, қариндошларингга қарши қўймоқда», — дейди. Уйда жанжал бошланади, барака кўтарилади. Эр хотин билан, болалар бир-бири билан... Хуллас, меҳр-оқибат кўтарилади. Қўни-қўшни, қариндошлар ўзаро аразлашиб қолишади. Уй эгасининг хотини доно, зийрак аёл эди. Шунинг учун бир куни: «Хизматкорга жавоб бермасангиз бирор кор-ҳол рўй беради», — дейди ва хизматкорни чақиради. Хизматкор айбига иқрор бўлади. Унга жавоб беришибди. Иғво яқин қариндошларни бир-бирига душман этадиган балодир. Ундан ёмон фитна йўқ. Шунинг учун ҳеч қачон кўчадаги гапни уйга, уйдаги гапни кўчага ташиманглар. Бу жуда ёмон кечирилмас гуноҳ.

Кунларнинг бирида ўғли кўчадан келгач, дўстларидан бири телефон қилиб қолди.

— Ҳозир, чўнтагимга қарай-чи, ҳа, менда экан, боя ўзинг менда чўнтак йўқ, сен чўнтагингга солиб қўй девдинг, эсимдан чиқибди, — дея чўнтагидаги сигаретдан икки донасини олиб, столга қўйди.

У ҳайрон бўлиб сўради:

— Болам, нега бундай қилдинг?

Ўғли:

— Онажон, бу зўр, қиммат сигарет, отамга қўйдим, — деди.

У жуда хафа бўлди:

— Болам сен омонатга хиёнат қилдинг. Сигарет дўстингнинг омонати. Гуноҳ иш қилдинг. Керак бўлса, отанг пулига сотиб олади. Бу ишни бошқа қилма. Ҳар қандай ёмонлик кичкина нарсадан бошланади, — деди.

Кечқурун барча фарзандларини тўплаб, ёмонликнинг олдини олиш бўйича насиҳат қиларкан, қуйидаги ривоятни айтиб берди:

— Бир онанинг ёлғиз фарзанди бор экан. У ниҳоятда шўх бўлиб, қўшниларникидан тухум ўғирларкан. Унинг бу одатини онаси қўллаб-қувватлар, нотўғри демас экан. Вақт ўтиб йигит машҳур ўғри бўлибди. Кунларнинг бирида ўғрини ушлаб қозига олиб боришибди. Қози ўғрини зиндонбанд қилишни буюрибди. Шунда она: «Болам, кечир, биттагина тухум ўғирлаганингда сени тўхтатмадим, тўғри қилаяпсан дедим. Иккита тухум ўғирлаганингда баракалла дедим. Гуноҳкорман, мени кечир Халойиқ, ўғлим эмас, мен айбдорман», — деб зор-зор йиғлабди.

Шунинг учун бир умр бахтли бўлишни истасангиз, ҳалол одам бўлинглар. Дунёда ҳалол одамдан улуғ инсон йўқ. Эзгу ниятли элнинг келажаги порлоқ бўлади дейдилар. Юртимиз фаровон, элимиз тинч...

Ота-она бахти фарзандлар камолини кўришдир.

Бугун унинг туғилган куни, буни қариндошлари билишармикан, фарзандлари-чи? Қандай тайёргарлик кўришаркан? Кўнглидан ёқимли туйғу ўтди. Хаёлини жамлаб секингина ўзига-ўзи гапирди: «Майли, ҳаммалари соғ бўлишсин. Юртимиз тинч, ҳаётимиз шод-хуррамликда ўтсин. Катта бахт, улуғ совға шу эмасми, аслида».

**Нур МУҲАММАД**

# Ғайритабиий гўзаллик

**30-40 минг йил муқаддам, яъни палеолит давридан етиб келган одам ҳайкали ва суратларида чиройли аёл семиз, катта қорин ва бели йўғон қилиб тасвирланган. Бундай аёллар ҳозирги кунимизда хунук туюлади.**



Ўша даврда аёлнинг семизлиги совуқдан ҳимояланиш, бақувват танаси оғир шароитда фарзанд кўриш ва боқа олишда қўл келган. Бундай аёлни қадрлашган.

Кейинчалик аёл қиёфасида эстетик идеаллар ривожланиб борди. Аёлларнинг танасини ўзгартириш, чиройли бўлишга интилиш Осиё, Африка, Ғарбий Америка қабилаларида бошланди. Масалан, қабиланинг энг чиройли қизи, аёли бошқаларни ўзига қаратиш учун қулоқ супрасини тешиб, ҳар хил нарсаларни илиб қўйган. Айрим қабила аёлларининг олдинги тишларини синдиришиши, қабиласи сиғинадиган ҳайвонга ўхшаш мақсадида қилинган деган қарашлар бор. Шунингдек, тропик Африканинг одам етиб бормаган қабилалари ҳозиргача таналарини чандиқ қилишади, тишларининг олдинги қаторини қирқиб ташлашар экан.

Шимолий Америка ҳинду аёллари яқин-яқингача бошларини сиқиб юриши ҳам пешонасини узун ва баланд қилишга интилищдир. Амазонка ҳудудидаги қабила аёллари лабларини чўзиб, 25 сантиметргача етказишган.

Янги Гвинеяда яшайдиган аёллар эса чиройли бўламан деб, сочларига аҳамият беришмайди. Бошларига қушларнинг патини тақишга, юзларини бўяшга ишқибоз. Бўйинларидаги маржон, бир қатор ҳайвонларнинг майда тишлари уларнинг жуда экзотик ҳолда бўлишларини таъминлайди. Қабилидаги бундай аёллар ҳамманинг оғзида бўлган.

Саҳрои Кабирда яшовчи туарегларда ҳозиргача қизларни семиртириб боқиш, вазнини 100-130 килога етказиб, турмушга бериш одат экан. Аёлларнинг тўлалиги бойлик рамзи ҳисобланади.

Яланғоч танасини бўяшда Амазония жунглиларида яшайдиган, лекин жуда кам қолган яномами қабиласи қизларига тенг келадигани йўқ. Танадаги расмларни қиз ёки аёлнинг ўзига хос автобиографияси дейиш мумкин. Чизиқлар аёлнинг характери ва ҳатто нимага интилиши, нимани хоҳлашини билдиради. Чизиқлар аёлларнинг кийими бўлиб, гиёҳлардан тайёрланади. Эслатиб ўтамиз, улар учун дарахт барглари кийим вазифасини бажаради. Бўёқ узоқ вақт танани чиройли қилиб туради, лекин 5-6 марта чўмилганда ювилиб кетади.

Танзаниядаги масаи қабиласи одамлари баланд бўйли ва гавдали бўлишади. Қабила аёллари қулоқларига ҳар хил ёғоч, сим, мунчоқларни тешиб осиб олишган. Бу қулоқларда дарахт ўсаётгандек кўрсатган. Олимларнинг фикрича, безак аёлнинг бошида соч йўқлигини ёки камлигини беркитиш учун қилинган. Маълумки, қадимдан Африка қабилаларидаги аёллар сочини қириб юришади. Фулани қабиласи аёлларининг одати ҳаммасидан ошиб тушади. Яъни улар чиройли бўлиш учун киприк ва қошларини ҳам қириб тураркан.

Дунёда танасини чўзишда биринчиликни Бирманинг қолоқ қабилаларидан бири эгалайди. Бу ерда аёлларни жираф деб аташади. Мис ҳалқалар қиз туғилгандан сўнг бўйнига битта-битта қўйиб чиқилади. Ечилмайдиган ҳалқалар сони йил сайин биттадан кўпаяверади. Қабиладаги ҳамма аёллар ҳалқа тақишга ўрганган. Қарангки, агар улардан бири бевафоликда айбланиб қўлга тушса, қабила бошлиқлари уни тутиб ҳамманинг олдида ҳалқаларини ёзиб шармандa қилишар экан. Аёл бўйни тиргаги йўқ дарахтдек осилиб, энгашиб қолади. Натижада у кучли оғриқдан секин-аста ўлади.

Мана шунақа гаплар. Сиз ҳам чиройли бўлмоқчимисиз, марҳамат. Фақат қулоғингизни тешманг, бўйнингизга мис ҳалқаларни тақманг. Бусиз ҳам гўзалсиз.

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор**

Абдунаби Абдиев, Мухтор Пардаев

# Кўпкари

эссе



(Боши ўтган сонларда

Даврага ош тортилибди, Соқибой билан бирон киши шерик бўлмабди. У бир товоқ ошни кўрдим демабди, олдига иккинчисини келтириб қўйибдилар. Униям пакқос туширган Соқибой товоқ тагида қолган ёғни ҳам бошига кўтариб ичибди.

Эртасига кўпкарига кетиш олдидан бой Соқибойга:

— Истаган отингни танлаб мин, — дебди.

Соқибой хўжалик ишларида фойдаланилаётган Кўк иғни танлабди.

— Бошқасини ол, — дебди бой. — Бу бир ишчи от бўлса...

— Менга шунисиям бўлаверади.

Унинг берган жавобидан бойнинг бошқа чавандозлари кулишибди, лекин уларнинг кулгиси узоққа бормабди, ҳаворга ташланган танани Соқибой ишчи от билан бирин-кетин айириб чиқаверибди.

— Овқат ейишидан бу йигитнинг бир балоси борлигини билгандим, киройи чавандоз шундай бўлса-да, — Соқибойни мақтабди кўпкаридан қайтишаётганида бой.

У бошқа чавандозларига жавоб берибди. Соқибой бойнинг отларини икки йил миниб, давраларнинг энг олд зотларини айирибди. Унинг хизматларидан мамнун бўлган бой Соқибой қишлоққа қайтмоқчи бўлганида туя, от, сигир, қўй-эчки берибди.

Сурувни олдига солиб келаётган Соқибойни кўриб қишлоқдошлари ҳайрон бўлишибди. Чунки улар Соқи қачонлардир ўлиб кетган бўлса керак, деган фикрда аллақачон унинг маъракаларини ўтказишган экан.

5

Машҳур чавандознинг кейинги тақдири, унинг авлод-аждодлари билан қизиқиб, қуйидагиларни аниқладик.

Кексаларнинг гурунгига қараганда Соқибой Самарқанддан қайтганидан сўнг унинг оиласи қишлоқнинг тўқ хонадонларидан бирига айланибди. Ака-укалари ҳам топармантутармон йигитлар эмасми, анча фаровон яшашар экан. Аммо инсон зоти яралибдики, кўролмаслик деган иллат ҳам у билан ёнма-ён яшайди. Кимдир ака-укаларни босмачилар билан алоқа қилишда айблаб ҳукумат идораларига чақибди. Колхоз фаоллари сиқувга олибди. Кун сайин уларга нисбатан тазйиқ ортиб бораётганини кўрган оқсоқоллар турли миш-мишлар босилгунча кўздан йироқ туришларини маслаҳат беришибди:

— Бу кунлар ҳам ўтар-кетар, беҳуда ёш жонларингни увол қилманглар.

Оқсоқолларнинг гапини олган Соқибой Рўзибой, Омонбой исмли икки акаси билан тоғу-тошларда, ўрмонларда яшириниб юрибди. Аммо бу узоққа чўзилмабди. Бир куни подачилар ҳозирги Калта деб аталган қирдаги ўрмондан душман ўқига учган уч ака-уканинг жасадини топиб олишибди.

Ҳозир бу яланглиknown уч ака-уканинг сағанаси устига ёлғиз кекса арча дарахти қуюқ соя ташлаб, кўкка бўй чўзиб турибди. Аммо қалин ўрмондан асар ҳам қолмаган. Бу ҳолни кексалар шундай изоҳлашди:

— Одамлар ўрмонни кесиб, ўтинликка, болорга ишлатиб юборган. Бироқ кекса арчага ҳеч ким кўз олайтиролмайди. Чунки шаҳид кетган ўғлонларнинг қабри ўзига хос зиёратгоҳга айланган.

## ОҚСОҚОЛ ЯЙРАГАН КУН

1

— Бу ҳайбатли тоғлар бағрида асрлар оша фақат оғиздан-оғизга кўчиб юрган, бундан-да қизиқарли воқеалар жуда кўп, улар ҳали илон қўриқлаётган ёмбидек одамларнинг хотираси қаърига чўкиб ётибди, — деди Жума бобо қўлидаги арғувони таёғини ўйнатаркан. — Айримлари эса эл оғзида афсонага айланишига бир баҳя қолган. Сизларга минг бора раҳмат, жуда хайрли ишга қўл урибсизлар. Энди камида тўқсон йилдан бери юрагимдаги сирли сандиқчада асраб юрган бари хазиналаримни очиб кўрсатишимга тўғри келади.

Жума бобонинг қалбидаги тугунларни ечиб юборишни қойиллатганимиз боис қониқиш билан навбатдаги ҳикояни тинглашга чоғланамиз. Суҳбатдошимиз ортиқча интиқ бўлишимизга йўл қўймайди, бир пиёла чой ичиб, томоғини ҳўллаб олганидан сўнг гўзал бир достонни мухлисларга аниқ-тиниқ етказишга уринаётган бахшига монанд ҳикоясини давом эттиради:

— Бу воқеа ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари ўртасида содир бўлган бўлса-да, ҳануз кексалар, чавандозлар бот-бот эсга олиб туришгани учун сира эскирай демайди. Бировининг айтганини иккинчиси тўлдириб, янгидан-янги таассуротлар қўшилиб, ажиб бир ҳикоятга айланиб бормоқда. У пайтлар мен ҳам эндигина оқ-қоранинг фаҳмига ета бошлаган болакай эдим. Шу боис айбга буюрмасангизлар, бу гал кўрмишимни эмас, эшитмишимни айтиб бераман...

2

Аллаберди оқсоқол эл сўраган кайвони эди.

Қишлоқнинг бирор тўй-маъракаси усиз ўтмас, бу элнинг полвони ҳам, чавандози ҳам оқсоқолни олдига туширмасдан кураш ва кўпкари davраларига бормасди.

Даврага чиққан полвон, улоққа кирган чавандоз орқасида тоғдек кўкрак кериб турган, ҳақини ажрим қиладиган оқсоқоли бўлмаса оғзидагини олдириб, қўлидагини юлдириб қолавериши ҳеч гап эмас.

Аллаберди оқсоқол ҳалолни ҳалол, ҳаромни ҳаром дейишдан сира чўчимас, оғзига ботир, айтганини тутиладиган инсон эди. Шу боис олис қишлоқлардан тўй хабарини келтирувчиларга Қизилмозорга боришса, оқсоқолни кўриб қайтаверишни маслаҳат беришарди.

Эрта тонг туриб эндигина отларига ем солиб, ҳовлига чиққан оқсоқолга нотаниш йигит рўпара бўлди.

— Хабарингизни айтинг, йигит, — меҳмондан сўради оқсоқол.

— Яккабоғнинг Гулдарасидан келдим, шанба-якшанба кунлари икки кунлик кўпкаримиз бор. Шунга чавағонларингизни олиб борар экансиз.

— Қуллуқ, меҳмон, қуллуқ, борганимиз бўлсин.

Оқсоқол меҳмонга дастурхон ёзиб, эгнига сарпо ташлаб, кўнглини тўқлаб изига қайтарди.

3

*Тоғ боласи қорувли келади.*
*Қарич ёшидан билаги кучга тўлади.*
*Кимиси кураш тушса, аксари улоқ чопади.*
*Чавандози курашчисидан кўп бўлади.*
*Тоғлик кўрасида оти йўқ кишини*
*одам санамайди.*
*Тулпорини гижинглатиб майдонга*
*кирмаганни йигит демайди.*

Айтилган муддат Аллаберди оқсоқол уч кўпкарида пишган отига уч донг таратган чавандозни миндириб, қизиқувчиларни ёнига тўплаб, кимиси уловли, кимиси пиёда Гулдарага борибди. Тўй давраси тутилишига икки кун қолган бўлса-да, отини эгар-жабдуқлаб, юрагини бирга бойлаб, катта совринлар олишни дилига жойлаб бу тоғ қишлоғига келаётганларнинг ҳаммасига қўниқ жой топиш ҳам қийинлашибди, бир хонадонга икки-уч тўдани туширишибди. Оқсоқол чавандозларнинг илиги бут бўлсин, менман деганлардан ҳақини олсин, элимизнинг юзини ерга қаратмасин деган ниятда қўноқ жой берганига ҳам қаноат қилмай қишлоқдан бир серкани олиб келган экан, дарҳол бўғизлаб, шерикларини қовурма, мойи селкиб турган қайнатма билан тўйдирибди.

Кўпкари овозаси кетганидан ҳам катта экан, беш кун тинмай ёққан ёмғирдан сўнг ер лой, солимга ташланган серка оғирлиги дучандон ошибди.

Аллаберди оқсоқол биринчи кун умид боғлаганига етмабди.

Элликдан ортиқ совриннинг бирортаси унинг чавандозларига насиб этмабди.

Қишлоқдошлар осмон чодири ботаётган қуёшнинг хира нурларидан қизғиш рангга бўялганда алами олти, қадами етти бўлиб қўноқжойга қайтишибди.

Эрта баҳор осмонида сузиб юрган лак-лак булутлар ҳам Аллаберди оқсоқолнинг қалби самосидаги алам булути олдида ожизлик қиларди. Кўпкаридан қайтаётган чавандозлар хижолатдан, тўдабоши дилини тирнаётган қаҳр-ғазабдан бир-бирига сўз қотишмасди.

4

Охири кайфияти бузуқ, иштаҳаси бўғиқ оқсоқол кечки пайт ҳеч нарса бўлмагандек қўноқ жой дастурхонга тортган овқатни паққос тушираётган шерикларига ғазабини сочибди:

— Сизларга еган нонларинг ҳам ҳайф, бугун эл-улуснинг олдида шарманда-ю шармисор этдинглар. Агар шу ноз-неъматни бир бурда нон илинжида қишлоқ оралаб пахса урадиган Жума қизилга сочганимда қишлоқ ори учун сенлардан яхшироқ талашарди. Эссиз сизларга чавандоз деган ном.

— Оқсоқол, омадга ҳам ишониш керак, бугун ишимиз ўнгидан келмади. Насиб этса эртага ҳаммаси яхши бўлади, — унинг кўнглини кўтармоқчи бўлибди Эшқул чавандоз.

Аммо оқсоқолнинг қалбига ёққан алам қорини ҳеч ким эритолмабди.

— Бугун уч бўлиб даврага кириб, лоақал кўнглим учун бир зотни айирмаган уч чавандоз бир кечада ўзгариб қолармиди? — оқсоқол жаҳл билан этагини силкаб кўчага чиқибди.

Кундузги булутлар тарқаб, ўрнида юлдузлар ғужғон ўйнаётган осмонга бир муддат тикилиб, сўнг ёш йигитлардан бирини ёнига чорлаб:

— Энг сара отлардан бирини миниб, ҳозироқ йўлга чиқасан, эртага кўпкари бошланмасдан туриб Жума қизилни етказиб келасан, — дебди.

Оқсоқолнинг қарори чавандозларнинг ҳамиятини қўзғабди. «Аллаберди ака бизларни шарманда қилди», «Учовлашиб биз зот айирмаган даврада онда-сонда бир ўғирлик от билан кўпкарига кирадиган Жума қизилга йўл бўлсин», «Майли, ўлмасак кўрармиз», — дейишибди бир-бирига.

Аммо чопарни тўхтатишга юраклари дов бермабди.

5

Чопар йигит Жума қизилни сўраб-суриштириб ярим тун пахса ураётган хонадонидан топиб, Аллаберди оқсоқолнинг хабарини етказибди:

— Тез кийиниб чиқинг, ҳозир йўлга тушмасак улгурмаймиз.

— Қўй-ей, ука, кафтларимни қара, — деб ишнинг зўридан тарс-тарс ёрилиб кетган икки қўлини кўрсатибди. — Оқсоқол жаҳл устида айтгандир. Донг таратган чавағонларимиз бажармаган ишни мен уддалармидим?

Чопар Жума қизилнинг баҳоналарига учмабди:

— Сизни олиб бормасам оқсоқолнинг олдида нима деган одам бўламан?

Хуллас, тонг ғира-ширасида иккови қўноқ жойга етиб келишибди.

Жума қизилни кўриб чавағонлар бурун жийирибди.

Жума қизил уларнинг юзига оёқ қўймай деб оқсоқолни аврабди:

— Қўйинг, ака, чавандозники бир даст, ўзлари чопишаверсин, балки бугун ишлари юришиб кетар. Мен бир ҳавасаки чавағон бўлсам, чуҳ дейишга отим бўлмаса. Акаларни хафа қилманг.

— Менинг айтганим бўлади, бугун булар сенга сайислик қилади, ҳар учала отни ўзинг чопасан.

— Агар даврада зот айиролмасамчи?

— Ҳеч нарса олмасанг ҳам майли.

Хуллас, иккинчи кун давра аҳли Аллаберди оқсоқолнинг отлари-ю, уларни миниб чопган нотаниш чавандознинг чапдастлигига қойил қолибди. Жума қизил бир эмас, икки эмас, беш катта зотни издиҳомдан ҳалоллаб, элининг ориятини сақлаб қолибди.

— Мана бу бошқа гап, энди уялмасдан кечки кураш даврасига ҳам қолсак бўлади, — дебди Жума қизилнинг ишларидан кўнгли яйраган Аллаберди оқсоқол...

— ...Ҳикояни шу ерда тўхтатсам ҳам бўларди, — деди кекса суҳбатдошимиз. — Аммо одамга бир омад келса қўша-қўша келаркан. Энг қизиқ воқеа кечки кураш даврасида содир бўлибди...

6

...Кечки пайт, тўрт бурчагига арча, ирғай, мушша, янтоқ дасталари одам бўйи босилиб, лампамой қалаб ёқилган гулхан ёруғида кураш davраси тутилибди. Кундузги кўпкарида зафар қучган Аллаберди оқсоқол бошлиқ тўда узоқдан келган меҳмонлар учун тўшалган кийиз устида чордона қуриб, иссиқ чойдан шопириб-шопириб ичиб, полвонларнинг оли-

# гурунглари

шини томоша қилишибди.

— Шу йигит билан бир олишиб кўрасанми? — дебди оқсоқол завқини ичига сиғдиролмай, «Ола, ёнбошидан сол, ичидан чил бер» деб полвонларни илҳомлантириб турган Жума қизилга давра бошидан бери беш-олти полвонни дангал юлдуз санатган йигитни кўрсатиб.

— Йўғ-ей, оқсоқол, умримда кураш тушмаган бўлсам, — дебди Жума қизил ичида жон деб турган бўлса-да.

Аллаберди оқсоқол Жума қизилнинг юрагидаги алангага пишанг берибди:

— Йиқилсанг ер кўтаради, бўл, даврага чиқ.

Кўпкарида кўпларнинг меҳрини қозонган чавандоз жомакор кийиб даврага чиққанини кўриб ҳамма олқишлабди. Йигит чапдаст амаллар ишлатар, Жума қизил эса уни ёнига яқинлаштирмай туришдан бошқасига уқуви етмасди. Уч-тўрт даст олишганларидан кейин қулайини топиб, рақибини белидан қучоқлаб бўйи баробар кўтарган Жума қизил:

— Ё пирим Али, — деб наъра тортганича ўлжасини қўлга киритган қирғийдек уни давра ўртасига отиб юборибди.

Соф ғалабадан масрур бўлиб, қўлларини ўйнатиб, сакраб давра айланиб юрган Жума қизилни Аллаберди оқсоқол севимли фарзандидек бағрига босибди.

— ...Бугунча етар, — деди Жума бобо, — бироз дам олайлик, гап халтамни энди очдим. Ҳали сизларга Эсон чавандоз, Чоршанби, Тўхли полвонлар, эл оқсоқоли Амирқул Сейли, тўй davraларини қизиқарли бошқарган Холмат Ҳусан, Мусулмон Парда, Карим Чорилар ҳақида ҳам гапириб бераман, фақат сизлар зерикиб қолмасангизлар бўлгани...

Биз кўпкари гурунгларига қизиқиб тун яримлаганини ҳам сезмай қолган.

— Энди меҳмонлар бироз дам олишсин, — деди Абдусалом домла, — ҳали эртага Терсоқар томонларга ўтишимиз керак.

Аммо қайта-қайта илтимос қилаверганимиздан сўнг суҳбатдошларимиз Эсон полвон ҳақидаги гурунгни ҳам айтиб беришди.

### ЧАВАНДОЗНИНГ ТАНТИЛИГИ

**1**

***Довруғи зўр кўпнинг назарида туради.***
***Довруғи зўрдан сўров катта бўлади.***
***Кимдир уни ҳавас билан, кимдир ҳасад***
***билан кузатади.***

Йигирма йилдирки не-не алпқомат йигитларни доғда қолдириб, не-не совринларни илкига олган, тақимига такани босиб, «чуҳ, жонивор» деб бир ҳайқирганда жийрони ўқилондек даврани ёриб чиққан Эсон чавандоз довруғдор эди. Унинг ташрифини эшитган чавандоз зоти борки оёғига қалтироқ эниб, сусти босиларди. Шу боис Деҳқонободнинг Қизилмозоридан қурдош биродарлари билан Чоршангига келган Эсон чавандозни кўриш учун бу туркман қишлоғидан қўноқ жойга бош суқмаган банда қолмади ҳисоби. Оқсоқолларнинг:

— Меҳмонларни тинч қўйинглар, эртага улоқда кўрасизлар, — дегани ҳам қизиқувчиларнинг шаштини синдиролмади, келиб-кетаётганларнинг сафи ошса ошди, камайиш нималигини билмади.

**2**

Шу оқшом Эсон чавандознинг ухлаб ороми бўлмади, тўлғониб юраги тўлмади. Ниманидир сезгандай дам-бадам чакмонини елбагай олиб ташқарилайверди.

Гоҳ юлдузлар ғужғон ўйнаган осмонга термулиб тунни қаритишга уринса, гоҳ кўп йиллик қадрдони — Жийрон тулпор билан сирлашиб кўнглини овутди.

— Ҳа, жўра, бу кеча мижжа қоқмадингми дейман, — сўради Тўхли чавандоз эрталаб нонуштага ўтиришганда. — Ёки ҳозирдан катта давранинг сусти босаяптими?

— Кўрмаган даврамми, оғайни, негадир уйқум қочди, юрагим алағда бўлди.

— Кимнинг юраги алағда бўлмади, Сурхондан кимсан Самандар чавандоз келган дейишаяпти, — суҳбатга аралашди Чоршанби полвон. — Бойсунда бир кўпкарида кўрганим бор, кўп чапани чавандоз, такага қўл урса бас, омбур билан ҳам суғуриб ололмайсан.

— Туркманларнинг Беганж чопағони ҳам бор эмиш, уни бежиз Беганж бетон дейишмайди, — луқма ташлади Нортожи чавандоз.

— Бетон эмас, темир бўлмайдими, бизнингам булдизиримиз борку, — суҳбатга хотима ясади Тўхли полвон.

Эсон чавандоз дўстининг мақтовидан мийиғида жилмайиб қўйди...

**3**

Ўшанда Эсон чавандоз қатағон йиллари тақдир тақозоси билан Тожикистонга кетиб қолган Омон амакисини қўмсаб қишлоқнинг сариёғидан, қурутидан, турли-туман ўтўланлар: кийикўт, зира, алқор, пудина, андизу ровачларидан озгина-озгина олди-да, март ойларида йўлга чиқди. Узоқ-узоқ йўл босиб, шом намози вақтида амакисиникига кириб борди. Қариндошлари уни қучоқ очиб қарши олишди:

— Бормисан, Эсонжон, амакимни бир йўқлай дебсан-да, хўб омади, хўб омади, нури дийда, тожи сар.

Меҳмондорчилик қуюқ бўлди.

Жияннинг шарафига жонлиқ сўйилди.

Қозонлар тўлиб шўрва-ю сархил таомлар пиширилди.

Ёшликдан кўпкарига ихлоси баланд Омон амаки Тожикистонга борганидан кейин ҳам от боқишни канда қилмаган экан. Жиянига отхонадаги уч тулпорни кўрсатиб мақтанди:

— Бу ернинг энг олд тулпорлари шулар, бузкашига (тожикчасига кўпкари шундай аталаркан) борсам менман деган чавандозлар отларимни сўраб атрофимда гирдикапалак бўлишади. Эртага кўрасан, Варзобда катта бузкаши бор, лекин бу гал отларимни сендан бошқага ишонмайман. Учови ҳам бир биридан зўр, сениям, мениям шарманда қилмайди. Бири қорабайир уруғидан, бири саман уруғидан, униси араби тулпор. Бир ўзингни кўрсат, жиян.

— Нима дейишимни билмай қолдим, амаки, мен сизларнинг қоидаларингизни тушунмасам, кейин отлар ҳам бегонасиратишар. Яхшиси сиз билан ўтириб томоша қилсам.

Омон амакининг жазаваси тутди:

— Қўй-э, ким айтади сени Қашқадарёнинг зўр чавандози деб. Эртага отларни сендан бошқа ҳеч ким минмайди, майли, соврин олмасанг олма. Ишинг бўлмасин, бузкашининг қоидаларини йўл бўйи ўргатаман.

Амаки бомдод намозини ўқиб бўлгач, жияни ва ўғли Сардорбекни уйғотди, аллақачон эгарланган отларга миниб, йўлга тушишди. Омон амаки билганича бузкашининг қоидаларини тушунтирди:

— Бизда бузкаши сизникидан сал-пал фарқ қилади. Буз (улоқ)ни осиб қўйилган байроқлар ўртасидан олиб ўтсанг сеники ҳалол. Такани тақимингга босиб чуҳ десанг тамом, жониворлар ўзи олиб чиқади.

Кўпкарига Кўлобу Панжакент, Помиру Хўжанддан, Сурхондарё ва ҳатто Афғонистондан ҳам чавандозлар келган экан. Баковулнинг фотиҳасидан сўнг бузкаши бошланди.

Эсон полвон амакисининг отларини галма-гал миниб, кичик-кичик совринларни айирди. Навбат катта совринларга келди. Полвон тўртинчи соврин — бир ҳўкиз ва 50 сўм пулни қорабайир билан ҳалоллади. Учинчи совринни Пўлат деган тожик чавандоз олди. Иккинчи соврин ҳам араби тулпорни минган Эсон чавандозга насиб этди. Инсон зоти бор жойда ҳасад, кўролмаслик сингари иллатлар ҳам бўлади. Бир-икки оқсоқоллар ўз полвонларини чеккага чақириб:

— Уятдан ўлдирманглар, ўзбакни отини чиқаришга қўйманглар, катта соврин ўзимизга қолсин, — дейишди.

Биринчи соврин — бир ҳўкиз, бир араби гилам, 150 сўм пул эълон қилиниши билан Омон амаки қорабайирни Эсоннинг олдига олиб келди, терлаб турган пешонасидан ўпди ва омад тилади. Эсон полвон даврага кирди. Қорабайир тўғри таканинг олдига бориб, тўрт оёғи михлангандай қилт этмай тўхтади. Полвон энкайиб такани кўтарди ва тақимига босди, қоматини ростлади ва қамчини тишлаб, «Ё пирим қўлласин, чуҳ, жонивор» дейиши билан чавандозлар отнинг жиловидан тутди, такани камида ўн киши ушлаб олди. От юролмайди. Эсон вазиятни пайқаб, қорабайирнинг бошидан жиловини чиқариб юборди-ю банддан қутулган бургут каби уча бошлади. Саросимага тушган рақиблар отнинг айилини кесиб юбордилар. От тўхтамади, аксинча, аҳволни сезгандай ҳаракатини тезлатди. Оломон ичидан чиқаверишда полвон эгар-жабдуқ билан бирга ерга тушиб қолай деди. Шу пайт кутилмаган ҳодиса рўй берди, у отнинг ёлидан тутиб, оғир бўлишига қарамай гавдасини кўтарди, эгар-жабдуқ тушиб қолди. Полвон яланғоч от билан такани тақимига босган ҳолда байроқлар орасидан ўтиб кетди. Унинг чапдастлигига қойил қолган давра аҳли «Э энағар, ўзбак булдизир экан, булдизир экан» деб лол қолишди...

**4**

...Эсон чавандоз кўпкари чопиладиган ялангликка етиб келгунларича шуларни хаёлидан ўтказди. Бу галги тўй Туркманистоннинг Чоршанги қишлоғида бўлаётган эди. Мезбонлар уларни тўй дастурхонига таклиф қилдилар, меҳмонлар баҳоли қудрат тўёна бериб, тўй ошидан тановул қилиб мардлар майдони томон жўнадилар. Катта кўпкари бошланди. Баковул навбатма-навбат совринларни айта бошлади. Шу орада Эсон полвон икки, Тўхли чавандоз билан Чоршанби чавандоз биттадан совринни ҳалол айирдилар. Кўпкарининг энг катта совринни айтилди. Эсон полвон жийрони билан такани ердан кўтариб олди-ю, отга қамчи босди. От чақин чаққандай жўнади. Даврадан чиққунча ҳеч ким қўл теккизишга ҳам улгуролмади. Ҳамма гап даврадан чиқиши билан содир бўлди. Саман минган ёшгина йигит тақимга босилган таканинг бир оёғига чанг солди.

— Э, художон, қариган чоғимда ўсал қилма, — ботинида Яратганга илтижо қилди Эсон чавандоз.

Лекин навқиронлик ўз сўзини айтди. Майдонни бир айлангач, ёш рақиби Эсон полвоннинг тақимидаги такани тортиб олди. Баковул бор овози билан:

— Сеники ҳалол, яша, чавандоз, сеники ҳалол, — деб бақирди.

Ҳаётида илк бор қўлидаги такани олдирган Эсон полвон давранинг қоқ ўртасида бўтасидан айрилган туядек донг қотди, биргина ўзи эмас, Жийроннинг ҳам устидан бир челак муздек сув қуйилгандек бўлди. Эсон полвон беихтиёр отидан тушиб, совринни қабул қилаётган йигит сари юрди. Ўзи томон келаётган донгдор рақибига кўзи тушган ёш чавандоз ҳам отидан тушди. Бутун давра сув қуйгандек жим, Эсон чавандозни кузатарди.

Эсон полвон йигитга қараб «сеники ҳалол, кел, бир бағримга босай» деган мазмунда бургутдай кенг қучоғини очди. Полвонларнинг томирида мардлик қони тўлиб-тўлиб оқаётганиданми у чавандоз ҳам қучоғини очиб полвон билан дилдан кўришди, кўришгандаям жўшиб-жўшиб чиндан кўришди.

— Бор бўл, укам, бор бўл, ҳалолинг бўлсин, ҳаётда ҳеч қоқилмагин, тақимингдан такани ҳеч кимга олдирмагин, кўролмаганларнинг кўзлари кўр бўлсин, сенга эса Аллоҳ ёр бўлсин. Фақат ўзингни таништир.

— Ўзим туркман, исмим Алпон, сизнинг мухлисингизман.

Полвон халқи мард, сўзлари асалу қанд, бировнинг йиқилганини кўрса ичи тўла дард бўлади, осонликча биров билан дўст тутинмайди, тутинса борми, ўла-ўлгунча унга дилбанд, бутун вужуди билан пайванд бўлади.

— Шу бугундан бошлаб икковимиз қиёматли ака-ука бўламиз. Исминг жисмингга мос экан, Худо марҳамат қилиб ўғил кўрсам исмини Алпон қўяман, розимисан?

Икки чавандоз рақиб эмас, кўп йиллик дўстлар каби даврани тарк этишди.

**5**

— Эсон чавандознинг кайвони хотини вафот этиб, иккинчи марта уйланиш воқеаси ҳам қизиқ бўлган, агар малол келмаса шуниям айтиб беринг, — Абдусалом домла тағин Жума бобонинг гап халтасини ковлади.

— Э-э, уми, анча узун тарих-да, меҳмонлар уйқудан қоладими дейман.

— Энди бўлари бўлди, тонг ёришса йўлга отланаверамиз.

— Ҳа, майли, бўлмаса эшитинглар. Ўшанда Эсон чавандоз беш-олти узангидошлари билан Кенгтала майдони ошиб Бойсундаги кўпкарига кетаётган экан.

Бир пайт анча илгарилаб кетган Тўхли полвон ҳаяжонли овозда шерикларини чорлабди:

— Databases, бу ёққа қаранглар, бир мўъжизага дуч келдим.

Узангидошлар отларини қистаб Тўхли чавандознинг ёнига боришибди:

— Намунча ҳовлиқмасанг, нима гап?

Тўхли чавандоз яқиндагина ёғиб ўтган ёмғир таъсирида лойга айланган тупроқ йўлдаги яққол кўриниб турган икки қаричлар чамасидаги оёқ изларини кўрсатибди:

— Катталигини қаранглар, наҳот шуям одам изи бўлса?

— Одамники бўлмай, бошқа ниманики деб ўйловдинг, лекин шу излар эркак кишиники бўлса бир ғариб-бечораники, ўзиям алп экан.

— Агар аёл кишиники бўлса-чи, Эсон билан бошини бириктирсак, Алпомиш фарзандлар туғиб берарди.

**(Давоми бор)**

Ishonch 2010-yil 22-aprel № 49 (2774)

## Тошкентда биринчи марта



# Делфинлар рақси

Мавжудотлар орасида миянинг ривожланиши жиҳатидан одамдан кейинги ўринда қайси мавжудот туради? Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Делфин десак, ажабланманг. Ахир яна қайси жонивор инсон каби ҳис-туйғуларини ҳаракатда эмас, товушларда ифодалайди ёхуд молберт олдида турганча расм чизиш билан машғул бўла олади? Бу маълумотларда заррача муболаға йўқ. Ишонч ҳосил қилишни истасангиз, шу кунларда Тошкент давлат циркига ташриф буюринг.

Москва делфинарийсининг «Делфинлар шоуси» продюссери Валентин Булавскийнинг маълумот беришича, делфинлар Тошкент цирки саҳнасида биринчи марта чиқиш қилаётган экан.

— Делфинларни узоқ сафарларга олиб чиқиш бироз ноқулай, — дейди у. — Улар сувсиз яшай олмайди, салкам бир тонналик жониворларни улкан идишларда олиб юришнинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Лекин одамларга қувонч улашиш завқи бу машаққатни енгиб кетади.

**— Тошкентга илк сафарингиз экан. Юртимиз сизга ёқдими?**

— Жуда ҳам. Йигитларимиз ҳам юртингизнинг меҳмондўстлигини биринчи кунданоқ сезиб улгуришди. Айниқса жониворлар бу ерда ўзларини худди денгиздагидек эркин сезишмоқда. Саҳнани палуба кўринишига келтирдик, марказда 300 тонна сиғимга эга икки ярим метрли ҳовуз бунёд этилди. Сув таркиби денгизники билан бир хил бўлиши учун 8 тонна туз ва бошқа кимёвий моддалар қўшилди. Улар учун озуқа тинимсиз етказиб берилмоқда. Бундай шароит учун тошкентлик ҳамкасбларимиздан миннатдормиз.

**— Тошкентлик мухлисларнинг эътиборини кўпроқ нима тортади деб тахмин қилаяпсиз?**

— Менимча, ҳар бир чиқишимиз уларга маъқул келади. Шоу делфинлар номи билан аталган бўлсада, денгиз мушуги ва масхарабознинг чиқиши ҳам олқишлар билан қарши олинади. Қолаверса, бугунги кунда дунёнинг кўпгина психологлари мижозларига руҳиятни мустаҳкамлаш учун делфинотерапияни тавсия этишмоқда. Бизнинг томошабинлар бундай имкониятни ҳам қўлга киритишади. Шунингдек, залдаги болалар ўртасида «Делфин билан рақс» мусобақасини ўтказамиз. Эркакларга ҳам алоҳида ўйин ташкиллаштирганмиз. Мусобақада ютиб чиққан томошабинни антиқа совға кутмоқда.

Шу пайт делфинларнинг овози қулоққа чалиниб қолди. Табиийки, суҳбат йўналиши ҳам шу томонга бурилди.

— Келинг, улар ҳақида мураббийлари гапира қолишсин, — дея продюссер бизни томоша залига бошлади.

Делфинларнинг моҳирлик билан ҳаракатланишини, мураббийларининг хоҳишини ҳеч қандай қийинчиликсиз англашини кўриб, беихтиёр кўнглимга шу ўй келди: «Инсон нималарга қодир-а?».

— Делфинларнинг тури ҳақида ҳам маълумот берсангиз, — сўрайман бош мураббий Владимир Вихляевдан.

— Ҳар иккиси белуха турига мансуб. Улар Шимолий қутб денгизида яшовчи йирик делфинлар ҳисобланади. Ҳозир тўрт ёшга киришди.

**— Қачондан бери бу жониворлар билан машғулот ўтказасиз? Ҳайвон ўргатишда эътибор берилиши лозим бўлган энг асосий жиҳат нима?**

— Делфинлар билан икки йилдан бери биргамиз. Уларсиз бир кунимни ҳам тасаввур қилолмайман. Оила аъзоларимга айланиб кетишган. Денгиз ҳайвонларини ўргатишда ўзаро ишонч, самимийлик ва меҳрибонликка асосланилса, керакли натижани қўлга киритиш мумкин. Қаттиққўллик эса, фақат нафрат туйғусини юзага келтиради. Бу ҳар бир ҳайвон ўргатувчининг олтин қоидасидир. Ҳар доим ишга келганимда, делфинларим — Дейл ва Ленточка кайфиятимни дарров илғаб олишади. Улар билан бемалол дардлашиш мумкин. Алексей (Алексей Гоголов — денгиз мушуги ўргатувчиси)нинг Тафеси ҳам худди шундай ақлли ва сезгир.

Мураббий билан хайрлашиб, делфинларни яна кузата бошладик. Дейлга нисбатан Ленточка олқишларни кўпроқ яхши кўраркан. Хурсандчилигини сездиришга ҳам уста. Баъзан гавдасини тик тутиб жуфтига овоз берса, баъзан сувда чалқанча ётганча, ўзини ухлаганга солади. Дейл қўнғироқ чалиши билан яна маҳоратини намойиш этишга киришади.

Уларнинг ёнидан секингина йироқлашиб, Тафе лақабли денгиз мушугининг олдига борамиз. Мунчоқдек кўзлари билан одамларни кузатаётган бу жонивор ҳам анча маҳоратли экан. Хайрлашиш учун қўлларини силкишини кўриб лол қолдим. Сиз ҳам яқинларингиз қалбини ҳайратга тўлдирмоқчи бўлсангиз, 16 майга қадар давом этадиган «Делфинлар шоу»сига ташриф буюринг.

**Нодира ҚОСИМОВА**

## Таажжуб!

# Калтакесак-одам



**Машҳур футболчилар кўпинча қўл-оёқлари, елка-ю бошларига ҳар хил тасвирларни тушириб олишади. Улардан эса минглаб мухлислар «ибрат» олишади чоғи, пирсинг марказлари янада гавжумлашди.**

**Гўзаллик салонида ишлайдиган Нодира исмли қиз шундай ҳикоя қилади:**

— Ишхонамизга кўпинча ёш қизлар татуировка қиласизларми деб келишади. Ҳар хил расмларни баданларига чиздиришни хоҳлашади. Бир куни ўн етти ёшли рус қизи келди. Ёноқларига қора бўёқ билан кетмайдиган қилиб аждаҳо сурати чизилган. «Ҳаммани ўзимга қаратмоқчи эдим, буни Москвада қилдирдим», — деганди у афсус билан.

Ҳозирги кунда дунё ёшлари ўртасида яна битта «мода» — тери остига ҳар хил хомашёлардан тайёрланган ўйинчоқларни тиқиб қўйиш кенг тарқалмоқда. Терида бўртиб турувчи юлдуз ёки ҳайвончалар кимгадир ёқса керакки, бу ишга қўл урилмоқда. Ҳатто айримлар эчки шохи, калтакесак тили ва териси, мушук кўзига ҳам ҳавас қилмоқда.

Эрик Спраге — калтакесак-одам, дунёда биринчилардан бўлиб тилини иккига бўлди. Танасини калтакесак терисига ўхшатишга «эришди». Бу осон бўлмади — териси остида қанча-қанча имплантат темирчалар ётибди. Юзи эса калтакесакни эслатганидан этлар жунжикади. Дунёнинг турли ҳудудларида Эрик каби инсонлар учраб туради: йўлбарс-одам, мушукаёл ва бошқалар.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин: инсонни Аллоҳ берган шаклу шамойилдан юз ўгиришга нима мажбур қилмоқда? Қизиқиш ва фойда. Ҳа, уларнинг кўпчилиги ҳар хил симпозиумларга, йиғилишларга бориб фармацевтика компанияларининг маҳсулотларини реклама қилишади, ўзларини операция қилган гўзаллик салонлари олдида туриб, жонли реклама бўлишади. Буларнинг ортида эса яхшигина фойда ётибди албатта.

**Фарангиз ОДИЛОВА**

## Билиб қўйган яхши

**Қайси озиқ-овқатда биз учун керакли моддалар мавжудлигини ҳамма ҳам билавермаса керак. Чунончи:**



# Озиқ-овқатларда минерал тузлар

Калций сут, сир, майда балиқлар, молюскаларда мавжуд бўлса, темир моддаси гўшт, жигар, ёнғоқ, пиво, хамиртуриш, кўкатларда сероб.

Сут, сир, гўшт, балиқ, ёнғоқ, дуккаклилар ва нўхот таркиби фосфорга бой бўлса, денгиз балиқлари, денгиз тузи, хурмо таркибида йод кўп учрайди.

Магний кўк сабзавотларда, калий эса сабзавотлардан ташқари, туршак, сут, гўшт маҳсулотларида ҳам мавжуд.

Инсон бир кунда қанча ва кўпроқ нималарни тановул қилиши керак? Шифокор олимлар илмий-амалий текширувларига кўра, катта ёшдагилар 80-100 гр. оқсил, 80-100 гр. ёғ, 400-500 гр. углевод, 0,2 гр. витамин, 20 гр. минерал туз, 10 гр. йодли ош тузидан баҳраманд бўлиши лозим. Кунлик меъёрни сақлаган инсон жисмонан соғлом, ақлан етук, кайфияти ҳамиша яхши, тетик бўлади.

## Ажойиботлар оламида

# Бўғувчи лиан

Лианлар чирмашиб ўсувчилар тоифасига кириб, лотин тилида «Лонцера цимоза» деб аталиб, ўсимликлар орасида энг айёри ҳисобланади.

Лианлар дастлаб ингичка бўлиб ўсиб, бақамти дарахт ёнида йўғонлашиб бақувват бўлиб олгач, аста-секин унга чирмашиб нақ учигача чиқади. Ўзини тутиб олгач, оҳиста улкан илонлар емишини ҳазм қилиш учун сиққандай катта куч билан дарахтни сиқа бошлайди. Дарахт пўстлоғини қуритгач, ёғочлик қисмидан ширасини обдон сўриб олади. Натижада, шўрлик улкан дарахт тез орада қуриб қолади.

# Чирмашувчи палма



Одатда палмалар 10-15 метр ўсиб, мевалари тўплам бўлиб тугади. Табиатда палманинг бошқа, чирмашувчи тури ҳам бўлиб, меваси майда жилон жийдага ўхшаб кетади.

Чирмашувчи палма дарахтга ўхшамай, поясининг диаметри 4-5 см., узунлиги «атиги» 400 метргача етади. Мазкур чирмашувчи палма Жанубий Осиёнинг тропик ўрмонларида ўсади.

Бу палма «Ротанг» палмаси деб аталиб, эндигина ердан униб чиқиши билан илонга ўхшаб буралиб, бирор учраган дарахтга чирмашиб олади ва тезлик билан юқорига кўтарилади. Ўткир учли тиконлар, илмоқлар ҳосил қилиб, дуч келган дарахтга мустаҳкам чирмашади.

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ,**
**Халқ таълими фидойиси**

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва тармоқ касаба уюшма шаҳар ташкилотлари жамоалари кенгашнинг масъул ходими Абу Райхон Ходжаевга волидаи муҳтарамаси

**ОЗОДА** аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.